

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

21 ОКТЯБР — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҮН

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир. Ўз она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

ОНА ТИЛИНИ ЭЪЗОЗЛАБ



ЗУЛФИЯНИНГ АСЛ ШОГИРИДИ

Ораулари бир жаҳон бўлган сирдарёлик ёш шора Нодира Курбонова шеърятдаги ютуқлари учун 2001 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га сазовор бўлган.

Бу галги семинар-кенгаш Навоий шаҳридаги таълим муассасаларини иши таҳрибаси билан танишишдан бошланди. Семинар иштирокчилари Навоий шаҳридаги мактаблар ва болалар боғчаларида бўлишиб, ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишларини томоша қилишди. Унда истиқлол, давлат тили ва умумбашарий қадриятларнинг янги авлод нафқурасида уйғунлашуви, таълим ва маданий қадриятлар каби мавзуларда маърузалари тингланди. Шўъба йиғилишларида эса таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларда давлат тилининг ўқитилиш муаммолари, ечимлари, ахборот шаклининг ривожланишида ўзаро мулоқотнинг тутган ўрни, давлат тили услубиётига оид масалалар муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашнинг иккинчи кунинда меҳмонлар Зарафшон шаҳрида бўлиб, шахар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши борасидаги таҳриблар билан танишдилар. Анжуманларда халқимиз турмуш тарзи, маданияти ва анъаналари мавзусидаги театрлаштирилган томошалар намоиш этилди.

Навоий вилояти
"Туркистон-пресс"

СУЮКЛИСИЗ, СУЮКЛИГИМ!



Ҳаманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нафақат фидоий раҳбар, садоқатли умр йўлдош, меҳрибон ота бўлган Бургутали ака билан ёнма-ён туриб ҳалол хизмат қилган Оминахон ая билан учрашиб, дилдан суҳбат қилишни ният қилганимга анча бўлган эди.

Оминахон аяга кексалик бир ам ярашибди. Соч турмаклашларию, секин-секин мулоҳаза билан сўзлаши беихтиёр аяга бўлган хурматингизни оширади. Ўзингиз билмаган ҳолда у кишини ёқтириб қоласиз.

Бу камтар нигоҳлар бир умр зарбаст, кези келганда талабчан раҳбар, содиқ дўст Бургутали аканинг ҳолис ва ҳалол хизмати қилганини бир қарашдаёқ пайқайсиз. Ичимга сиғдирилмаётган туғёнларим беихтиёр саволларга айланади:

- Оминахон ая, Сизни аёллик вазифасини, келинлик изминини аъло даражада бажарган дейишди. Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз?

- Қайнонамнинг исмлари Тоҳиниса эди. Аниқроғи, у кишини попликлар "генерал" деб аташарди. Ҳақиқатда, ҳам қайнонамнинг сўнгги нафасларигача хизматларини қилдим. Ёшлигимни-ку қўйинг, ўзим қайнона бўлиб, не-вараче-вара кўрсам ҳам у кишининг бир оғиз сўзларига қарши чиқмаганман. Баъзида ўзимга ҳам битта-яримта "меҳрибон"ларим: "Бўлди энди, ҳадеб қайноналик қилавермасин!" деб ақл ўргатишарди. Мен эса, ўзимни бир умр ўша ўн етти ёшлик келиндек тутардим. Оилада нима-

гаки эришган бўлсам, Худо раҳмат қилгур қайнонамнинг хизматлари бор, деб ўйлайман.

- Аяжон, Сизни нафақат яхши келин, балки, қизларига ростмана тарбия берган она - аёл, - деб ҳам макташади...

- Қайдам, агар шу илтифотга лойиқ деб топилган бўлсам, Яратганга беҳисоб ҳамду-санолар бўлсин. Бургутали акангиз қизларини жону-дилларидан яхши кўрардилар. Баъзи раҳбарларга ўхшаб фақат давлат ишига ёпишиб олмай, болалар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараганлар. "Уларга меҳнат қилишни, одоб-ахлоқли, ҳалол бўлишни ўргат", - деб тайинладилар.

Шукр, ҳар уччала қизимиз ҳам юзимизни ерга қаратишмади. Тушган ерларида азиз бўлиб ўтиришибди.

- Бунинг сири нимада, қиз бола тарбиясида кўпроқ нима-ларга эътибор бериш керак?

- Биз қирқ йилдан ортиқроқ оила қурган бўлсак, бирор марта болаларнинг олдида жанжаллашмаганмиз. Иккинчиси, мен ҳеч қачон Бургутали акангизни раҳм қилиб, бўлар-бўлмасга тергамаганман. Ундан кейин сўроқсиз бир жойга бормаганман. Энг муҳими ҳар доим қозоним қайнаб турарди. Ҳўжайиннинг оғзига ёқадиган овқат қилишни яхши кўрардим. Чунки, хотин киши эрининг феъл-яраш қараб иш тутиши керак. Ана шунда оилага дарз кетмайди. Бунинг кўрган қизлар тарбияли

бўлади. "Қуш уясида қўрганини қилади", дейишди-ку.

- Дилингизни оғритмоқчи эмасман. Аммо кўпчилик ўғил бола ҳақида...

- Фикрингизга тушундим. Уч нафар қиз қўрган бўлсак, бирор марта отаси "ўғил туғмадинг" демаганлар. Аксинча, қизларни мендан ҳам кўпроқ яхши кўрардилар.

Худого шукр, қуёвларим Аҳмаджон, Иброҳимжон, Мадаминжонлар ўз боламдан ҳам ортиқроқ меҳр кўрсатишди. Айнакча катта қайинимнинг ўғиллари Қамбарали билан Акбарали ўз фарзандимиздек бўлиб қолган. Шогирдлар-чи, улар ҳам ўғилда. Мана, Гулсаранинг катта боласи Муҳаммаджонни ўзимиз тарбия қилдик. У ҳолаларига жиян эмас, инидек меҳрибон. Рўхсарада Мақсуджон бор. Раънохоним ўғил набира қўрди, отини Жасурбек қўйдик. Улар менинг суянчим, қизлари қувончим...

Ҳаёлимда Бургутали акангиз эшикдан кириб келаётганга ўхшайвердилар. Ҳали ҳам вафотларига ишонгим келмайди.

Ҳа, биз ўлтирган даврада Бургутали ака йўқ. Аммо у кишининг чакмоқдек кўзларини Раънохонда, шахдам-шахдам сўзларини Гулсарада, камтар ва қўнғилчанлигини Рўхсарада кўриб турибман. Бир уй набираларнинг қоши-ми, кўзимни, алпдек қоматини Бургутали акани эслатади. Де-мак, менинг камтар ва камсукум суҳбатдошим Оминахон аяга айтар сўзим шу: Сиз ҳамиша суюклисиз, суюклигим!!!

Дилбар ҲАЙДАРОВА

ЯНГИ НИКОҲ УЙИ

Каттақўрғон шаҳри марказидаги Сўфий Оллоёр хиёбонида янги "Никоҳ уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг бунёд этилишида вилоят адлия бошқармаси, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳамда бир қатор корхона-ташқилотлар ташаббускорлик ва ҳомийлик қилишди. "Шамс-Қа-мар" хусусий савдо-

Нима? Қачон? Қасрда?

курилиш фирмаси бинокорларнинг сайёҳаракатлари туфайли шаҳар марказида қад ростлаган бино гўзал ва кўркам кўриниш касб этиб, шаҳар хуснига хусн қўшди.

СОВГА-САЛОМЛАР УЛАШИЛДИ

«Қарияларни қадрлаш йили» ҳамда «Қўзи ожиз-

лар жамияти» ташкил топганлигининг 70 йиллиги муносабати билан Паст Дарғом туманида ўтказилган тадбир тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Қўзи ожиз но-гиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ўқис-кўнгилларига маънавий далда бериш мақсадида уюштирилган ушбу анжуманга туманда истикомат

қилаётган 70 нафарга яқин ногиронлар тақлиф этилди. Улар шаънига илиқ фикрлар билдирилди. Вилоят «Қўзи ожизлар жамияти» ва туман ҳокимлиги томонидан уларга кийим-кечак ва со-вға саломлар улашилди. Тадбир сўнггида улар учун дастурхон безатилиб, ту-ман бадий ҳаваскорла-ри ижросида концерт қўйиб берилди.

Х. ХАМРОЕВ

КЎЗИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

- Клара опа, сиз инсонлар кўзини даволаш, яна нур ато этишдек савобли касбда ишлайсиз. Бу касбни танлашингизга кўпроқ кимлар сабабчи бўлган?

- Жуда кичкина пайтимдан дўхтир бўлишни орзу қилганман. Ўртоқларим билан ҳам фақат "дўхтир-дўхтир" ўйнар, кўғирчоқларимга ҳам укол қилганим - қилган эди. "Катта бўлсам албатта дўхтир бўламан", деб ният қилганимда ҳали мактабга ҳам бормагандим. Очиги бунга кўпроқ тоғаларим сабабчи бўлишган.

- Улар ҳақида гапириб берсангиз...

- Менинг Саидаъзамхон, Саидолимхон, Саиданвархон, Эркинхон, Тўлкинхон исмли беш нафар тоғаларим бор. Улар бир-бирларидан ақлли, зиёли инсонлар бўлиб, то мен мустақил ҳаётга қадам қўйиб ўз йўлимни топиб олганимга қадар маслаҳатлар бериб туришган. Мен отам урушга кетган пайтларда Саидаъзамхон исмли катта тоғамнинг уйида яшаганман. У киши менга: "Ҳилола, сен албатта шифокор бўлишинг, кўз шифокори бўлишинг керак. Инсонларнинг энг катта бойлиги, бахти бу кўзидир. Сен уларни даволасанг, қайта нур бағишласанг. Савобнинг тағида қоласан", - дер эди.

- Нега энди Ҳилола?

- Ҳа, асли исмим Ҳилола эди. Тоғамни Андижонга ишга юборишганда мен ҳам бирга кетганман-да. У ерда эса рус мактабига ўқиганман. Шунда ўқитувчиларим Ҳилола дейишга қўйналиб Кларага айлантириб юборган. Шу-шу Клара бўлиб кетганман.

- Андижонда ўқиган экансиз-да?

- Аввал Андижондаги тиббиёт техникумини битирганман. Кейин институтга кирганман. Кейинчалик тоғам Тошкентга қайтганларида мен ҳам ўқишимни ТошМИ га кўчирганман. Мана бугун эса шу соҳада ишлаётганимга ҳам 33 йил бўлибди. Жамоамизда 230 дан зиёд киши меҳнат қилади. Ботир Калонхожаев, Абдуҳаким Акрамов, Омон Тошмуҳаммедов, Умидаҳон Алимова каби шифокорларимиздан беморлар мамнун бўлиб кетишади. Аслида вужудимизнинг энг нозик аъзоси бўлмиш кўзни ҳам вақти-вақти билан текшириб туриш зарур.

- Кўз нуриимизни қандай асрашимиз керак, деб ҳисоблайсиз?

- Бунинг учун вақти-вақти билан кўз шифокорига учраб, кўриш қобилиятини аниқлаб, керакли муолажаларни олиш зарур. Баъзилар фақат кексаларнинг кўзлари хиралашади, деб

Республика кўз касалликлари клиникасининг бош шифокори, олий тоифали врач Клара ВАЛИЕВА билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.

хато ўйлашади. Ваҳоланки, ёш болаларда ҳам бундай ҳодисалар учрайди. Ҳомиладорлик даврида оналарда камқонлик касали бўлиб, зарур дармондорилардан истеъмол қилиб даволанмаса, ривожланаётган ҳомилага албатта таъсир қилади. Шунинг оқибатида бола ожиз туғилиши ҳам мумкин. Йиллар ўтган сайин ҳар биримизнинг кўриш қобилиятимиз пасайиб,

ни қилдим. Ундан уй-рўзғор, бола тарбиясига оид жуда кўп нарсаларни ўргандим. У киши хамир овқатларни ёқтирардилар. Мен эса уларни дидига ёқадиغان қилиб тайёрлаб берардим. Қайнонам масъул вазифада бўлсалар-да, оиладаги тинчлики, саришталлики меҳру-оқибатни биринчи ўринга қўярди. Менинг икки ўғлим

Азимхон ва Равшанхонларнинг бугунги кундаги эришган мавқеида, муваффақиятларида у кишининг меҳнатлари бекиёс, деб ўйлайман.

Бугун эса ўзим ҳам тўрт нафар набиранинг бувисиман. Ишдан толиққан пайтимда уларни бағримга боссам дилим яйраб, ҳузур қиламан. Чарчоқларим ҳам чиқиб кетади.

- Маҳаллада ўсган экансиз, у ерда ўзига хос одатлар бўлади. Шулардан қайсиларини кўп эслайсиз?

- Ўзбек халқининг ўзга элатлардан ажратиб турувчи удумлари орасида маҳалла-қўйчилик, қўшничиликнинг ўзига

хослиги бор. "Бир болага етти маҳалла ота-она", дейишади-ку. Ҳозир ҳам бунга амал қиламиз. Маҳалламиздаги бир одатни жуда яхши кўрадим. Бунинг ўзига хос гаши бор эди. Ҳар кун эрталаб ва оқшомга яқин маҳалламиздаги келинчақлар, бўй қизлар ким ўзарга кўчага сув селиб, супурарди. Кимнинг эшиги тонгда ҳаммадан олдин супуриладию ким кўп жойини супуриб сув сепади. Олдий кўчаларимиз чиннидек супурилгач, тупроқ иси анкигач хавонинг ўзига яраша файзи бўларди. Ҳозир ҳам сув сеилган кўчалардан ўтсам ўша пайтни соғиниб-соғиниб эслайман. Кўчалар чангиб, ифлосланиб ётганини кўрсам кўнглим ғаш бўлади. Гуллари кўп ҳовлида ўсганим учун гуллари, айникса, атиргулларни ёқтирмаман. Оқ ва қиз-қизил атиргуллар менинг жону дилим. Уларга боққан сайин ўз малоҳатлари билан қалбимизни сеҳрлаб, ҳузур-ҳаловат бахш этгандек бўлаверади.

- Мухлисларимизга тилакларингиз...

- Барча юртдошларимизнинг кўзлари лочинникидек ўткир бўлишини, фақат гўзалликини, шодлигини ва эзгуликни кўриб юришларини тилайман.

БАСИРА

Оиламиз меҳмони



кўзларимиз ёшланадиган бўлиб қолади. Буларнинг асорати қолмаслиги учун албатта кўз шифокорининг кўригидан ўтиб туриш зарар қилмайди.

- Оила, уй-рўзғор юмушлари, фарзандларингиз тарбияси... Буларга қандай вақт топангиз?

- Кўпроқ тоғаларимнинг тарбиясини олганман деб айтдим. Мен турмушга чиқаётганимда тўйим кунини Саидолимхон исмли тоғам: "Қўзим, сен шу учта насиҳатимни эсингдан чиқармагин. Биринчиси, шифокорман дея ҳар ерда мактаниб гапирмагин. Бу оиланга яхшиёмон муносабатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Иккинчиси, қайнонангнинг измида бўл. Хизматини қилиб дуосини олгин. Учунчиси, келинлик уйингда неки синаотлар ўтса, оstonадан чиқмасдан ўша ерда қолсин. Қизлик уйинга гап ташиб келувчи бўлмагин. Ана шуларга амал қилсанг бахту саодатли бўласан", деб насиҳат қилганди. Шуларга амал қилдим, кам бўлганим йўқ.

- Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...

- Қайнонам Меҳри Шарипова 44 йил Тошкентдаги Хотин-қизлар педбилим юртида раҳбарлик лавозимида ишлади. У анчайин талабчан, жиддий аёл эди. Мен 25 йил шу аёлнинг хизмати-

ОЛИМЛИГИ БИР ДОСТОН,
ШОИРУ ПОЛТВОНЛИГИ ЭСА.

Самарқанд Давлат Тиббиёт олимгоҳининг ўқув ишлари бўйича проректори, фан доктори Баҳром Саломович Турсунов билан озми кўпми ортда қолдирган излар ноёб фазилатлари хусусида сўзлашдик.

- Баҳром ака, айтишларича, инсон қирқ ёшгача орзулар қанақисида, ундан кейин эса хотирлар қуршовида яшаркан. Қалин, шу таомилга амал қилган ҳолда ўтмишингиз, баайни хотирларингиз билан ўртоқлашсангиз...

- Бундан роппа-роса эллик икки йил бурун Самарқанд вилояти Полтав туманининг Чандир қишлоғида Салом бобо хонадонидан дунёга келганман. Болалигимдан "романтик" эдим, дам у насага қизиқардим, дам бунисига. Мактаб дари-ридан рубоб чалиб, қўшиқ айтиш

Яхшилардан сўз очдик

ни хуш кўриб қолдим. Отамни кўярда-қўймай рубоб олиб беришга кўндирганим эсимда. Қишлоқдаги мендан каттароқ хаваскор йигитлар ва мусиқа ўқитувчимиз кўми-гидида ушбу соҳанинг сир-асрорларини кўнл билан ўрганишга киришдим. Кўп ўтмай кўлим келишиб, бийонийдай қўшиқ ҳам айтадиган бўлиб қолдим.

Шеърятда ҳам қаламим анча чарчланди. Истиклолнинг мунавваси ёғдуси каминанинг елкасига илинган тафтини босиб, қатор назми тўпламларимни чоп эттирдим.

- Баҳром ака, сизни яхши кўрашчи ҳам бўлган дейишаркан...

- Қишлоғимизда тўй курашси бўлмайди. Ота-бобомиздан қолган мерос бу. Тўйгача оила даврасида ака ё укалар билан олишиб, бу ўзига хос мусобақага тайёргарлик кўрардик. Зўр курашчиман, дея оиламман-ку, новвос ва гилам соғиринларини олган пайтларим ҳам бўлган.

- Домла, ҳамма соҳада ҳам устоз-шогирдлар бўлади...


- Фикрингизни англадим. Аллоҳга беадад шукрки, самарқандлик кўплаб жарроҳларни шогирди дейишга ҳақлиман. Сабаби, анча йилдан бери вилоят жарроҳлар уюшмасининг раисиман.

Спортчи, шоир, иқтидорли олим ва санъат ихлосманди бўлган самарқандлик олим билан суҳбатимни мухтасар қилар эканман, келажик буюк диёримизда ўтмишлардоқли халқимизнинг Баҳром акасингари фарзандлари янада кўпайишини Аллоҳдан тилаб қоламман.

Суҳбатдош

Хайрулла ХАМРОЕ

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"ГА ОШНО БЎЛСАНГИЗ...



Тошкент Олий ҳарбий гегагарчилар билим юрти-нинг 3-курс талабаси Сирождидин Усмонов ҳамда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси Зарғул Эрназаровани "Оила ва жамият" газетасига бўлган муҳаббат дўстлаштирди.

А й н и дамда нашрлар ҳад-ҳад ташқари кўп, албатта. Аммо мен улар орасида кўпроқ "Оила ва жамият" газетасига қизиқаман. Негаки, инсон ҳаётида шундай воқеалар

бўладики, у ҳақда яқинларингизга дилингизни очгудек бўлсангиз, уларни қаттиқ изтиробга солиб қўйишдан чўчийсиз. Бегоналарга юзма-юз бўлиб дарди-ҳол этишдан эса истиҳол қиласиз. Ана шундай дамларда ушбу газета бемалол ҳар қандай инсоннинг дардкашига айлана олади. Қолаверса, "Оила ва жамият" ҳар бир оиланинг энг яқин ҳамроҳи. Чунки унда чоп этилаётган материаллар деярли ҳамма оилаларда севиб ўқилади, муҳокама этилади. Газета ўзи билмаган ҳолда оилаларнинг шахсий адвокати-химоҳисига айланиб бормоқдаки, ушбу нашр орқали кўпгина эру хотинлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етмоқдалар. Газетанинг афзаллиги фақат бугина эмас. У сир-

дош, ҳамкор, ҳамфикр ва адолатли адвокат бўлишдан ташқари ҳикматлар хизинаси ҳамдир. Унда эълон қилиниб келинган ўғитлар, "Маслаҳатхона", "Туш таъбириномаси", "Саломатлик", "Билмасангиз — билинг", каби қатор руқнлар остида берилаётган мақола ва материаллар барчага бирдай манзур...

Буларни битмоқдан мурдо-дун шукки, "Оила ва жамият"га обун бўлган оила ўзи учун энг яқин дардкаш, сирдош ва ҳамроҳга эга бўлаётганлигини унутмаслиги керак.

Севимли нашримиз "Оила ва жамият"нинг бундан буёнги фаолияти янада серкир-ра, янада самарабахш ва мазмундор бўлишига тилак-дошимиз.

Дилбар РАЗЗОҚОВА
Навоий шахри

“ДЕДИ-ДЕДИ” КИМНИ ЕДИ?

Яқинда кенжа синглимни икки эшик наридаги қўшимизнинг ўғлига узатдик. Тўйдан кейин синглимни йўқлаб чиқсам, у хавароққа ўшаб кўринди. Ётиги билан сабабини сўраб-суриштирсам, тўй куни кўёв йиғит ўйинга тушганида катта акам 100 сўмлик узатибди. Журалари олдида кўёвимиз хикоят бўлганимиз. Ана шу гапни аямга айтсам, у маъноли жилмайиб сўради.

- Неча сўмлик узатиши керак экан?
- Минг сўмлик, дедим синглимни гапни такрорлаб.
- Унақа пул хали қўлимизга тушгани йўқ, қизим, - жавоб қилди аям. - Мабодо минг сўмлиги бўлганда ҳам қистирмас эди. Пулни ердан териб олаётганимиз йўқ-ку, болам.

Бу гап дадамнинг қулоғига чалиниб қолган экан, мени ёнига чақириб сўкиб берди.

- “Деди-деди” деган гапни қаёқдан топиб келдинг? Охириги марта қулоғинга қўйиб ол. Агар яна бир марта шунақа гапни ташийдиган бўлсанг, бу ҳовлига қадам бостирмай қўяман.

- Хўп дада! - дедим нотўғри гап қилиб қўйганимни тушуниб.

Дадамнинг одатлари шунақа. Бир гапни доимо бизга эслатиб турадилар. “Мен сизларни оқ фотиҳа бериб узатганман. Борган жойларингизда тиниб-тинчиб ўтирсанглар бўлди. Бизни кўргиларинг кел-

са, уйдагилардан розилик олиб, фақат яхши гапларни олиб келинлар. Нохуш гап бўлса, ўша жойда қолсин”.

Ўйлаб кўрсам, уйда битта одамни мана шундай тергаб тургани катта гап экан. Чунки биз аёллар “деди-деди” деган гапларга ўчроқмиз. Баъзан аризмаган гапни айлантриб, қудалар билан муносабатни совоклаштириб қўйишимиз ҳам мумкин. Дадам худди мана шундай ҳолатдан бизни эҳтиётлайдилар. Кўёвинг ёки қайнонанг билан хавфлашиб қолсанг, бизни уйга қадам босма, деб уқтирадилар. Рўзгорда бирор нохушлик бўлса, аямизнинг олдида келиб айтишга қўрқамиз. Сал паст келиб, мураса йўлини тутиб қўя қоламиз.

Катта опамнинг олтига фарзанди бор. Бир куни у (шунда опамнинг боласи иккита эди) қўлида чақалоғи билан уйимизга йўқлаб келиб қолди. Дадам уни дарвоза олдида тўхтатди.

- Хўш, нимага йўқлаб келясан?
Опамнинг кўз ёшлари қўйилиб, шундай жавоб қилди:

- Қайнотам: “Қудамга бориб айтинг, кўч-кўринишга олиб кетсин”, деди.

- Шунақами? Ана шунга яраша гуноҳ қилгандирсан-да?

- Хеч қанақа гуноҳ қилганим йўқ. Ойлигимни беришганиди, ўшанга болаларга уст-баш сотиб олдим, қолса.

- Бундан ортик яна қанақа гуноҳ бўлади? Шунга фаросатинг етмадими? Неча ойли-

гингни қайнонангни қўлига бериб, маслахатлашмадинг? Қайтиб бориб, қайнонангдан кечирим сўра. Кечирса қайтиб келгин, кечирмаса қорангни кўрсатма.

Ҳовлимизда беш келин бор. Дадам келинларга ҳам қаттиқ туришни ҳар доим аямга тайинлайдилар. Аям келинларга: “Ота-онанглари олдида хурсанд бўлиб бориб, хурсанд бўлиб қайтинглар дедди. Дадамнинг мана шундай тутумидан бўлса керак, келинлар бир-бири билан аҳил. У уйдан, бу уйга гап ташимайдилар, ака-укаларим ҳам мурасили, бир ишга маслаҳат билан қўл уришади. Йигирма етти киши бир қозондан овқатланишади. Ҳеч сен-менга боришмайди.

Қудалар орасида бироз каттазангроқлар ҳам бор. Дадам уларнинг барчаси билан муомалани жойига қўйиб гаплашади. Яъни дадам ун уч хил тилини биладилар. Чунки қудаларининг ҳар бири билан унинг тутумига мос тилда гаплашиши керак-да.

Мен оилада тўққизинчи фарзандман. Ўзимнинг уч нафар фарзандим бор. “Қари билганини пари билмас”, деганлари жуда тўғри экан. Дадам ҳеч биримизни аразлашмишга йўл қўймайди. Қўлгина ажралишларга каттазанглик, аразлашиш сабаб бўлиб қоларкан. Оиламизда ун уч фарзанд бўлсак, Худога шўқр, ҳеч биримизнинг турмушимиз бузилгани йўқ. Бу албатта оиламизда “деди-деди” деган гапни ташилмаётганидан бўлса ажаб эмас. Бекорга айтишмайди-да, “деди-деди” кимнидир еди, деб.

Ё. ХАЙДАРАЛИЕВА

Андижон тумани

СЕВГИ ДЕБ

“САРОБ” ГА ИНТИЛМАНГ

Севибли газетамизда чиқаётган мақолаларнинг баъзиларини ўқиб ҳайрон қоламан. Наҳотки турмушга чиқмаган гўлдай қизлар хотин қўйган, оилали эркакларни севиб қолишса. Севги деб ҳамма нарсадан, ҳаттоки ота-онасидан ҳам воз кечсалар. Қани уларда шарм-ҳаё, қани уларда қадрият, мағрурлик. Ахир сиз биронинг бахти эвазига бахтли бўлолмайсиз-ку! Ўша уйланган эркакнинг оиласи (хотини, фарзандлари) қаргайди, деб ўйламайсизми? Бир куни жонига текканингизда оиласи олдида кетиб қолмайди, деб ким қафолот беради?! Гўлдай оилаларни бузилиб кетишига, уйда кунда жанжал бўлишига сиз (баъзи енгилтақ, калтафаҳм, фақат ўзини ўйлайдиган) қизлар айбдор эмасмикан? “Хотиним билан ажрашиб, сенга уйланаман”, - деган эркакни ўзи эркак деган сўзга номуносиб. Ундайлар уйда “ажрашаман” деб хотинини ҳам тинч яшашига қўймайди. Сенга уйланаман деб бегуноҳ қизларни бошини айлантириб, боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Шунки билангина ундай эркаклар ҳеч қачон хотини билан ажрашмайди, шунчаки қизларни алдаш учун ўйлаб топади. Уддабуронлик қилиб сувдан қуруқ чиқиб йўллари излайдилар. Жабрини эса бошқалар тортади.

Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон иродали, қатъиятли бўлиши керак. Икки оғиз ширин сўзидеб деб борида кечиш ярамайди. Бу ширин сўзлар сиздан бошқа яна қанча қизларга айтилганига шубҳа йўқ-ку.

Ўзга ёрни ташлаб, мени севибди дема, бир кун келиб, сени ҳам ташлаб кетишини ўйла.

Ўзинг ҳаётдан умидсизланиб, бошқа умидвор оилаларни умидсизлантирма, бегуноҳ гўдакларни тирик етим қилма. Севги деб “сароб”га интилма. Эркакларни бошини айлантиргунча, ўзининг тўғри маслаҳатингни адашган эркаклардан аяма. Борди-ю, сени севишнинг ҳиёнат қилиб ўйланиб кетса, сен уни тўғри тушуни, ўз ҳолига қўй, оқсиздан эргашма. Бошқа йигитни севиб қол, сени қадринга етса сен унга турмушга чик, бахтли бўл, токи сени қадринга етмаганлар сени қўриб, сендай қизни қўлдан чиқарганига афсуслансинлар.

РАЪНОХОН

Тошкент



Ҳафта таввўллари ва қувончлари



ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Хозир ҳаётимда бир муаммо пайдо бўлиб турибди. Менга бу муаммони ҳал қилишимда турли вилотлардаги тенгдошларим, онахонлар, опа-сингилларимнинг фикрлари, қарашлари ёрдам беради, деган умиддаман.

Мен чет тиллар олийгоҳида 3-босқич талабасиман. Ёшим 19 да. Ҳали муҳаббат оху-воҳлари менга бегона.

Шу кунларда бир йигит менга совчи қўяпти. У билан бир кўчада турамиз, у мендан 6 ёш катта. Ҳамма гап унинг оила қурганлигидан. Бундан 2 йил олдин уни мажбурлаб қариндошига уйлантиришди. У эса кўнгли йўқлиги туфайли ундан ажрашди.

СЕВГИМИЗ УЧУН ҲАММА НАРСАГА ТАЙЁРМИЗ

Ёшим 22 да. ДТИУ нинг 1-босқич магистрантиман. Ота-онам обрўли инсонлар. Бундан 4 йил олдин бир дугонанинг акаси билан дўст сифатида танишиб қолдим. Ким билибди дерсиз, бу дўстлик бир куни келиб “севги”га айланади деб. Авваллари севишга ишонмасдим. Севги — мана шу 5 харф замирида қанча маъно борлигини англаб етмаган эканман.

У йигитнинг исми Алишер. Севиб қоламан деб ҳеч ўйламаган эдим. Тўрт йил бўлибдики, биз бир-биримизни севамиз. Севгимиз учун ҳамма нарсасига тайёрмиз. Бизнинг севишимиздан ҳамма хабардор, ҳаттоки ота-онамиз ҳам.

Биз гаплашиб юрдик. Севги шундай тўғру экан-ки, бўйимизга аҳамият бермабмиз. У йигитнинг бўйи мендан озгина пастроқ.

АРАЗЧИ ДУГОНА

Менинг бир дугонам бор эди. Кейинги пайтларда у ўзини катта тутадиган, худди узок танишини кўргандек мен билан базур саломлашадиган одат чиқарди. Мен унинг бундай қилиқларини ҳеч тушунолмадим. Ва ўйлаб айтишга арзирли бирон бахона топа олмадим. Менинг қўйидаги дил сўзларимни аразчи дугонамга газета орқали етказишимни

У билан учрашганимизда мен унинг ҳаёти мазмунни эканлигини, мени севишини айтди. Мен эса уни рад этдим. У эса мени тинч қўймоқчи эмас. Гоҳида мен унга ачиниб кетаман. Унинг ҳаётига киргим, унга ёрдам бергим келади. Чунки у ақили, одобли йигит.

Ота-онам эса ҳозирча қарши. Мен нима қилишимни билмаяпман. Ундан воз кечгим келмаяпти. Ҳаётимда у мендан айрилса, ҳаётдан бутунлай совийди. Ахир у мендан бошқасига ҳеч қачон уйланмаслигини айтган.

Азизлар, менга маслаҳат беринг. Менинг кейинги ҳаётимда унинг биринчи турмуши ҳалақит бермасмикин?! Сиз бунга нима дейсиз?

Н.

НАРГИЗА

да-ми? Келган совчиларнинг ҳаммасига “йўқ” дея жавоб бердим. Энди эса, энди... Нима қилай?

Бахтли бўлишимизга: онаси, акаси, келинояси, синглиси, укаси рози. Биринчи навбатда ўзи.

Алишер онамни ҳурмат қилади. Шу қаторда онам ҳам. Ҳар байрамда онамни табриклар кетади.

Нима учун ота-оналар фарзандлари бахти учун қаршилар. Севилиб турмуш қуришса оилалар барбод бўлмасди-ку.

Биламан, ҳар бир ота-она фарзандини бахтли бўлишини хоҳлайди. Лекин мен уни бахтсиз қилмоқчи эмасман-ку.

Азиз ота-оналар, фарзандингиз бахти учун ҳар нарсасига тайёр бўлингиз. Азиз юртдошлар, сизнинг маслаҳатингизга муҳтожман. Айтинг, нима қилай? Йўл кўрсатинг...

Д.

сезарсиз. Мен кеча 15 сентябр оқшом тўйимизга бир йил бўлган ўша тузани эсладим. Дунёда сиздек қадрдон дўст йўқ деб ўйлардим. Майли, агар хафа қилган бўлсам узр. Менинг ёнимга келиб аввалгидай гаплашиб кетарсиз деган умиддаман. Гарчи сизнинг тенгингиз бўлмасам-да, сизга битмас-туганмас бахт, соғлик тилайман. Сизнику билмадим, аммо мен ҳамиша ўзимни сизга дўст деб билганман. Мен

учун дўстимдан узр сўраш ор эмас, аксинча фахр. Мехрингизга интизор, йўлингизни ҳар куни пойлаб тоғларни тунларга улайман. Менинг дил изхоримини жавобсиз қолдирмайсиз”, деган умиддаман. Зеро,

Дўстлик ипи нозик бўлади, ўзга ун ҳар нарсаси учун.

Кейин қанча моҳирлик билан, Уласанг ҳам қолади тугун.

Н.

Учқудук

- Баъзан ўз изтиробингизни яқинларингизга айтишга ҳам истиҳола қилар экансиз,- дея гап бошлади таҳририятимизга келган аёл. - Мана, неча йилки бир армон қалбимни ўртади. Мен асли Фарғонадан бўлиб зиёли, обрўли оиланинг фарзандиман. Туманда, маҳаллада эмас, балки вилоятимизда ҳам менинг ота-онамни, акамни ҳамма танийди. Бизнинг оиламизни ҳаммага намуна қилиб ҳўрсатишаркан, мен бундан жуда фахрланардим. Ва оиламиз шаънини, обрўсини ҳамма нарсадан ҳам устун қўйгандим. Лекин...

Аёл бир зум жим қолди. Кейин сўзида давом этди.

БОЛАМНИНГ АРМОНИ

- Мен ўқишимни битириб турмушга чиқдим. Оиламиз ширин, турмуш ўртоғим ҳам ажойиб инсон бўлиб, бахтимиз бекам эди. Катта ўғлимиз беш ёшга етганда тўй қилиш учун хозирлана бошладик. Кейинги фарзандимиз қиз эди. Биз барча ота-оналар каби юртга дастурхон ёйиб ош тортиш, ўғлимиз Баҳодирнинг қўлини ҳалоллашни орзу қилардик. Ана шундай кунларнинг бирида бўлган воқеа бизнинг орзу-умидларимизни ағдар-тўнтар қилиб юборди.

- Наҳотки бахтсизлик рўй берган бўлса?

- Бизнинг оиламизда эмас, балки акамнинг уйида бўлганди бу воқеа. Боя айтганимдек, оиламиз ҳам, оила аъзоларимиз ҳам обрў эътиборли кишилар. Энг катта акамнинг қизи га совчилар келиб тўй кунини белгилашди. Жияним Хушрўй жуда чиройли қиз бўлиб, аҳдлашган йигити ҳам бор эди.

- Сиз бунга қарши эдингизми?

- Йўқ, албатта. Тўйга қаршилигим йўқ эди-я... Лекин... Бир кун Хушрўйнинг ҳомилдорлигини билиб қолдик. Бу бизнинг оиламиз учун жуда катта иснод эди. Болани бир бало қилиб тинчитиш керак, лекин қандай қилиб? Чунки у саккизинчи ойга яқинлашганди. Табиийки, уни олдириб ҳам бўлмасди. Очигини айтишим керакки, кўпчилик уни туғиш тарафдори бўлса ҳам, мен бир ўзим бунга тиш-тирноғим билан қарши эдим. Ахир бир ойдан кейин тўйи бўлсаю у тўйдан кейин дарров туғса. Чунки туғиш муддати айнан шу вақтга тўғри келарди-да. Агар шундай қиладиган бўлса, бутун маҳалла уёқда турсин, туманга ҳам бу гап тарқалиб кетиши, оқибатда эса акамнинг обрўсига путур етиши мумкин эди. Мен эса акамнинг, умуман оиламизнинг бундай иснодга қолишини сира истамасдим.

- Кейин бола туғилдики?

- Ҳа, уни сунъий турмуш билан туғдиришди. Биз коридорда кутиб турардик. Кейин ҳамшира худди бирор айтганидек чақалоқни менинг қўлимга олиб чиқиб тутқаэди. Мен қўлимга олмадим. Бола оппоқ, бўлиқ-кина эди. Очигини айтсам, уни қўлимга олишга ҳазар қилдим. Кейин ҳамшира ичкарига кириб кетди. Ҳеч нарса бўлмаганидек тўй ҳам бўлиб, Хушрўй ҳамма ҳавас қилгудек келинчака айланди. Бир сўз билан айтганда, ёпиглик қозон ёпиглигича қолди. Мен ҳам оиламиз шаънини қаттиқ туриб ҳимоя қила олганимдан мамнун эдим. Сўнг хотирхам кайфиятда ўғлимнинг суннат тўйига таёрларлик кўра бошладик. Тўйнинг ширин ташвишлари билан хурсанд бўлиб юрган кунларимизнинг бирида эса, бошимга тақдирнинг оғир фалокатлари тушди.

Ўғлим Баҳодир оқшом чоғи кўзичоқларини ҳайдаб югуриб юрарди. Мен ўша кунни овқат тайёрладим. Кечки юмушларимизни тугатиб бўлиб ҳаммамиз ётдик. Шу кеч болам, Баҳодирим мен билан бирга

ётди. Қанча ухлаганимни билмайман. Кўзимни очганимда тонг ёришиб қолган экан. Бир пайт қарасам... Ўғлимнинг, бўйнимдан кучоқлаб ётган ўғлимнинг қўллари муздек эди. Мен дарров унинг юзларига юзимни қўйдим. Эвоҳ! Боламнинг танаси музлаганди, тириклик аломатлари сезилмасди. Мен унинг қўзларини очмоқчи бўлдим. Йўқ! Унинг қўзлари мангуга юмилганди. Ўзимни билмаган ҳолда додлардим. Бирпасда қўни-қўшнилар йиғилишди. Кимдир "тез ёрдам" га кўнгирак қилибди. Етиб келган шифокорлар чиндан ҳам боламнинг дунёдан ўтганини тасдиқлашди. Шундан сўнг неча кун беҳуш



бўлдим, билмайман. Неча кундан кейин кўрганларимнинг чинлигига ишондим...

Мен қарахт бўлиб қолгандим. Фақат қизчамнинг овозини эшитганимдагина тириклар орасида эканлигимга ишонардим, холос. Инсон ҳамма нарсага чидаркан-да. Дард берган худойим, сабру-тоқат ҳам берар экан. Кўнликмай иложим қанча эди. Кўнликдим-да. Лекин мени бир нарса қийнай бошлади кейинги пайтларда...

- Нима қийнаётди, айтасизми?

- Ҳа, айнан шунинг учун келдим таҳририятингизга. Оиламиз, ота-онам, қолаверса акамнинг обрўсини ўйлаб Хушрўйнинг ҳомиласини йўқ қилиш учун қаттиқ ҳаракат қилгандим. Чунки, Хушрўй ҳомилдор бўлиб турмушга чиқса, бир ой ўтар-ўтмас туғса... Авлодимиздаги бошқа бўйи етган қизларимизга совчилар келмай қўйда деб ўйлаган эдим-да. Мана энди Хушрўй яна ҳомилдор бўлиб фарзанд кўрди. Балки унинг бошидан кечирганлари тушдек ўтиб кетгандир. Мени эса айнан ана шу хотиралар қийнай бошлади. Балки, бир бегуноҳнинг яшашини истамганим учун тақдирнинг менга синовимиди? Оллоҳ шунинг учун мени кўз нурум, қувончим бўлган боламдан айирдимикан? Ана шуларни ўйлаб тинчим йўқолган. Бўлиб ўтган шу воқеаларни кўнглимдан чиқаришни, нутишни истайман. Қалбимни тазаруга ўхшаш бир тўйгу қамаб олган. Мурғак вужуднинг яшаб кетишига қаршилиқ кўрсатдим. Тақдир эса мендан шундай интиқом олди? Аслида бундай йўл тутмаганим маъқулмиди?

Шуларни айтиб жувон мен билан хайрлашди. Мен эса у сўзлаган воқеалар гирдобиде айланарканман ҳаёлимга нукул Хушрўй келаверди.

Агар у аҳдлашган йигити билан ахлоқ чегарасидан чиқмаганида эди... Боласини бу дунё юзини кўрмаганига асли Хушрўй ҳам айбдор эмасми? Оиласи ор-номусини ўйлаб қанча изтиробларни бошидан кечирган бу аёлнинг гуноҳи нима?..

Бу аёлга шундай дейишни истадим. Ўғлингизнинг ўлими... Балки эмлаш пайтида бир хатоликка йўл қўйилди ёки пешонасига шундай ёзилганими? Оллоҳнинг буюргани шундай бўлса керак. Инсон эса тақдирга ёзганини кўра экан.

Басира САЙИДАЛИЕВА

"ЧАНГДА ҚОЛГАН ГҮЛ..."

- "Уят ўлимдан қаттиқ", деганлари рост экан, эримнинг кўзига тик қарай олмайдиган бўлиб қолдим,- дейди кўнгирак қилаётган аёл йиғлаб.

- Ўзингизни босинг синглим, нима бўлди?

- Биз оилада 3 қиз, 2 ўғлимиз. Опам турмушидан ажралиб келиб ёмон йўлга кириб кетди. Ота-онамни қон қақшатиб, биз жигарларни юзимизни ерга қаратди. Маҳалла-қўйда бўладиган тўй-маъракаларга борсам, одамлар менга қарай: "Ана унинг опаси бузуқ", дегандай туюлаверарди менга. «Ҳеч биримизни гапимизни олмайди. Эрталаб чиқиб кетиб, не маҳалда уйга кириб келарди, баъзан 2-3 кунлаб уйга келмайди»,- дейди онам куйиниб. Унинг бу юриши менинг ва синглимнинг турмушига ҳам путур етказса нима қиламан? Эримни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Гулдай ўғилчам бор. Опамга ботиниб, ботинолмай: "Бу ишингизни йиғиштиринг",- дедим бирда. Шунангиз шангиллаб кетди-ки, ва-жохатини кўрсангиз алвастини ўзгинасан. Рангу рўйи ҳам эркаксифат, гапларини эшитсангиз уят, ор-номус, шарм-хаёдан асар ҳам йўқ. Хозирку, бозори чаққон бўлиб турибди, эрта сондан қолса нима қиларди? Оила қуриш, фарзандлар тарбиялаш, бир йигитнинг сукулли ёри бўлиб юриш ҳаёлига ҳам келмайди. Биз-ку опамни жиловлашни иложини тополмаяпмиз, опамга ўхшаганларни танобини тортиб қўядиган қонун нима учун йўқ? Унинг бу юриши бутун наслу насабимизни

булгаётганидан ташвишдаман. Эрта бир кун мен ҳам қиз кўрсам одамлар: "Э, унинг холаси фоҳиша ўтган, уларнинг қонида бузуқлик бор",- деб ирганишмайдими? Тўлиб кетганимдан сизларга кўнгирак қилаяпман.

- Кўп қайғурманг синглим, қариндош-уруғлар жам бўлиб ўртага олинлар. Унда ҳам бўлмаса маҳалла оқсоқоли, ички ишлар ходимлари бор. "Қилмиш-кидирмиш", синглим. Ҳали опангизнинг кўзи мошдай очилиб, қилаётган хатолари жабрини тортади. Шунда ҳам сизнинг жигарингиз бўлгани учун унга ачинасиз. Керак бўлса паноҳингизга оласиз. Минг қилса ҳам этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Тўғримиз?

- Тўғри, мен ҳам унинг боши берк кўчага кириб қолганидан ташвишдаман. Ичим ачигандан ҳам қуяяпман-да. Бўлмаса ким ҳам ўз жигари айбини элга дoston қилгиси келарди. Опамнинг юзига чаплаган балчиқнинг қўланса ҳиди менинг оилам об-ҳавосига ҳам таъсирини ўтказмаса деб қўрқаяпман.

Мен қўлимдан келганча бу ор-номусли аёлнинг кўнглини кўтариб таскин берган бўлдим. Аёллар, эркаклар ҳар кимнинг инсофини бермаса қийин. Ўша аёл оёқлар остида хор бўлган чанг-да қолган гул эканини бир кўз ўнгига келтирса, бу йўлдан албатта қайтаси.

Лола АХМЕДОВА

СИЗ ХАМ ОНАНГИЗ УЧУН ЧЕЧАКСИЗ.

- Мени холамнинг ўғлига узатишмоқчи, у яхши, келишган йигит, лекин менда унга нисбатан ҳеч қандай хиссиёт йўқ. Болалигимиздан у билан ака-сингилдай бирга ўйнаб ўсганмиз. Бешиқдалигимизда унга менинг кулоғимни тишлатиб қўйишган экан,- дейди Қашқадарёдан кўнгирак қилаётган қиз. - Улғайганим сари доим шу ҳақда ўйлаб, юрагим қоп-қора бўлиб кетарди. Мана, ўша мен ҳеч қачон келишини кутмаган қаро кун тобора яқинлашиб келмоқда. Кеча холам келиб, онам билан

ман. Вақт эса онамнинг фойдасига ишляпти.

- Беодобликка йўймайсиз, севган йигитингиз борми?

- Йўқ.

Назаримда бор. Бўлмаса сиз ҳам кўп қатори "Элнинг хоҳиши, сувнинг оқиши"га, қараб тақдирга тан берган бўлардингиз. Йигитингиз борлигини сир туттиш, тутмаслик бу сизнинг шахсий ишингиз. Ота-онангизнинг қарорини ўзгартирнашга келсак, мен бу борада оҳизман. Чунки улар сизни тарбиялаб вояга етказишган. Тушунмовчиликнинг бари ҳар биримиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимиздан қандай фойдаланишни билмаганимизда. Қишлоқларда шундай одатлар ҳам борки кўриб ёқа ушлайсан киши. Бегона-ки қиз бериш у ёқда турсин, баъзи қишлоқлар қиз бериб қиз олишмайди. Лекин тўй-маърака, азада борди-келди қилишиб аҳил яшашиб. "Ўзимники", "Бегона — санга девона", "Бегоналашиб кетмайлик", каби ақидалар бор экан, бу ҳол давом этаверарди.

Чоршанбадан чоршанбагача —
Ташриф, кўнгиракларингиз...

Онамнинг айтишича, куёв бўлмиш бўлам, 3.нинг менда кўнгли бор экан. Онамга: "Фалончилар қариндош билан оила қуриб, болалари ногирон туғилди", десам, "Қандай бўлган-да, мана мен ҳам отанг билан қариндошман, олтовинг ҳам сопа-соған-ку", деб оғзимга гап билан урдилар. Нима қилишга ҳайрон-

лан "пи-чир-пи-чир" қилиб кетди.

Онангиз: "Ҳамма шундай қилапти-ку", деб опасига сўз бериб қўйсан. Энди сўздан қайтса, опаси бир умр юз кўришмас бўлиб кетиши мумкин. Тўй ҳам бўлади дейлик, йигит билан мурасаларинг келишса ҳўш, аксинча бўлса, яна она-сингил юз кўришмас бўлиб кетарди. Қариндош билан қудалашиб бир тўп қариндош иккига бўлиниб кетгани ҳақида кўп бора эшитганман. Сиз онангизга йигитга нисбатан меҳрингиз йўқлигини, келажакда нималар юз бериши номуаъламлигини ётиги билан тушуниринг. Севган кишингиз борлигини онангиз ё синглингиз кулоғига ҳам шивирлаш. Онангиз кўрқа-писа бўлса ҳам опасига бу гапни алабаста етказарди. Ҳар қандай келин қилаётган она ўз ўлига кўнгли йўқ қизин олиб беришни хохламайди. Чунки у ўз жи-

гарбандини кўра-била туриб қўққа отмайди. Худди мен айтгандай қилсангиз, ягона чора шу. "Мен тегмайман, ўзимни осаман, ёқаман",- деб айюханос солишга ҳеч бир ҳождат йўқ. Халқимизда: "Яхши гап билан илон ҳам шиндан чиқади", деган нақл бор.

Ҳар қандай она, юраси остида авайлаб ўстирган чечанини гуллаб яшашини хоҳлайди. Сиз ҳам онангиз учун бир чечаксиз. Вақт онангизнинг фойдасига ишласа иш татом, вақтдан қандай фойдаланиш режасини пухта ўйлаб, ишга зудлик билан киришинг. Кўрасиз, онангиз ҳам сиз ҳам ютқазмайсиз. Ушанда: "Тўйлар муборак" ни йўғлаб эмас, ҳар лаҳза орзуқиб кутасиз. Мен ҳам сизга чин дилдан ўша кунни тилайман.

М. КАРИМОВА

Шоир Дилмурод Сайиди жуда муҳим мавзунини қаламга олган. Бу мавзунини ўз вақтида кўтаргани учун мен Дилмурод-жонга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Ҳақиқатан оила муқаддас даргоҳ. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша муаммолари, ташвишлари, ўйлари, орзу-ую армонлари бўлади. "Эру хотини кўш ҳўкиз" дейишади. Бу мақолда олам-олам маъно бор. Оиланинг барча муаммоларини ана шу "кўш ҳўкиз"лар ҳал этиши керак. Бошқа бировларнинг, яъни учинчи одамларнинг бўлар-бўлмасга сукилиб кириб олишга ҳақлари йўқ. Ҳаёт ниҳоятда мураккаб. Ҳаётда оила қурдигини, энди сени зимманга жуда катта масъулият юкланди. Бўлар-бўлмасга уришиб, жанжаллашишга, оилани барбод қилишга ҳақинг йўқ.

Мақола муаллифи икки оила мисолида "учинчи одамларнинг" аралашуви билан ажралишлар содир бўлганини, болалар етим бўлиб қолганини афсус билан тилга олади. Ҳақиқатан ҳам "учинчи одам"ларнинг "беминнат хизмати" туйғули кўп оилалар бузилмоқда. Болалар етим бўлиб қолмоқда.

Мен бир оилани мисол келтирмоқчиман. Оила бошлиғи 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказиб, бирин-кетин уларни уйли-жойли қилди. 4 кизини турмушга чиқарди. 4 ўғилни уйлантирди. Отаҳон 75 ёшга кирганларида кенжа ўғилларини ўз қишлоқларидан уйлантирди. Чолу кампир келин атрофидан парвона эдилар. Келин эрта турадимиз, кеч турадимиз, ўз иктиёри билан иш қиларди. Хоҳлаган ишини бажарарди. Ана-мана дегунча оила бир ўғилу бир киз туғилди. Чолу кампир бу набираларга парвона эдилар. Келин бу ғамхўрликларга жавобан бироз талтайди. Отаҳон турли овқатларни пиширар, келинни оғизга тутарди. Келин эса онаси-отасиникига турли бахоналар қилиб, тез-тез борар, қайнота ва қайнонани хўрматини жойига қўймасди. Арзиманган гапларни бахона қилиб, онаси-отаси ва қариндошларига уйидоғиларни ёмонларди. Натижада кизларнинг галига кириб, қудалар ўртасида келишмовчилик чиқди. Қўнларнинг бирида тонг саҳарда отаҳон уйғонсалар, келиннинг акалари уй жиҳозларини олиб кетаяптилар. Отаҳоннинг ҳақли чиқди:

- Нега бу нарсаларни олаёйсизлар, нима ҳақларингиз бор,- тутакли кетди отаҳон.

- Булар синглимизники, энди Сиз бошқа келин топинг,- дейишди улар ва отаҳон-онаҳонни ҳақоратлашди.

Кекса отаҳону онаҳон бу моҳародан ни-

ҳоятда хафа бўлишди. Ҳовли бир пасда ҳувиллаб қолди. Келин кизию, ўғлини ҳам олиб кетди. Уйдаги барча нарсаларни олиб кетишгани аниқланди. Арзини кимга айтсин, отаҳон ва онаҳон. Ўғил ҳам бу

шқа қўяман", деб аҳд қилди. Қўнларнинг бирида онаҳон ҳовлимизга ташриф буюрдилар. Мен онаҳон билан анча суҳбатлашдим. У киши яна келин қилмоқчи эканлиқларини айтдилар. Нарсаларни унди-

Тунов кўни қўшниси янги гап топиб келди. Нима эмиш - чолу кампир ўғилларини уйлантирармишлар. Фалончиникига совчи қўйибдилар. Қалбига гўлгула тушди. Вақилини уйига киши юборди, "мен ярашаман", деб.

Келинчақ ўз уйига келди-ю, вақил гапларига амал қилди. Эрталаб тонг қоронғусида уйғониб, ҳовлини, кўчани

ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ БАРЧАНING ИШИ

"Эру аёл ва учинчи одамлар?" — 18 - сон

ЭСЛАТМА: Эр ва хотин ўртасидаги оилавий келишмовчиликларга аралашушга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бундай келишмовчиликлар энг аввало, маҳалла хотин-қизлар кенгаши ва фаоллари томонидан кўриб чиқиши керак. Шундай йўл тутилсагина эру хотин ўртасидаги "учинчи одам"ларга ҳоҳат қолмайди.

Д. САЙИД

ишни кўриб хангу-манг бўлди. Арзимас бир гаплар учун. Ўғил келинни урмаган, сўкмаган бўлса. Орадан қўнлар ўтди. Кекса отаҳон ва онаҳон набираларни соғинишди. Ахир халқимизда "Данагидан ҳам мағзи ширин", деган мақол бор. Набираларни отаҳон ва онаҳон кўриш учун боришди. Улар бобо ва бувилари бағрига отилишди. Чол ва кампирнинг кўзларидан дув-дув ёш қўйиларди. Кекса отаҳон қудаларга қараб сўз қотди:

- Бизнинг айбимизни айтинг, арзимас гаплар учун шунчаликка борасизларми?— деди кекса отаҳон ийманиб.

- Ҳа, энди келиннингиз бормайди, бошқа келин топинг,— деди куда бобо дабудурустан.

- Майли, ўйлаб кўринглар, лекин набираларини олиб кетаман, - деди отаҳон.

- Бекорларни айтиб-сиз,- баландроқ дўқ қилди қудабобо.

Кекса отаҳон кўпни кўрган эмасми, куда билан тортишиб ўтиришни лозим топади. Орадан бир ойча вақт ўтди. Қишлоқ вақили ва кекса отаҳонлар келинликка бориб анча насиҳатлар қилдилар. Қуда томондагилар кўнишмади.

Энди отаҳоннинг ўғли ҳам ярашмасликка ва бошқага уйланишга аҳд қилди. Отаҳон ва онаҳон бир кунда набираларидан, бор будларидан ажралган эди. "Ҳали келин қилиб ҳузурини кўраман, қўлимиздан ишимизни олади, орзу умидлар кўраман", деб юрган чолу кампир ниҳоятда умидсизликка тушишди. Энди онаҳон ҳам тинч ўтиролмади. "Ўғлимга 15 кун ичида бир кизини олиб бермасам, отимни бо-

риш учун қаерга муҳожират қилиш ҳақида маслаҳат сўрадилар.

- Нарса топилади, онаҳон! Орада 2 нафар набираларингиз бор. Сизлар бу болаларни тирик етим қилманглар. Сабр қилинглар, ҳаммаси изга тушиб кетади, дедим хотиржамлик билан.

- Катта ўғлингиз оранда ишлайди, мени шуни уйига олиб борсангиз, қани қандай маслаҳат беради, - дедилар кекса онаҳон.

- Майли, менимча менинг айтганларимни тақорлаши мумкин, - дедим.

Катта ўғлимникига машина билан олиб бордим. У онаҳон билан анча суҳбатлашди ва юқорида мен берган маслаҳатни тақорладим.

- Ҳозир жаҳл устида ёшларни бир-биридан ажратсангиз, болалар етим қолади. Келиннингиз бировга турмушга чиқса, 2 бола ўғай ота қўлида қандай яшайди? Буни чуқурроқ ўйланг, ҳаётда Сизлар кўп яшадигизлар. Сиз мени бувим қаторисиз. Ҳаётни пасту баландини сиз кўп биласиз. Мен юртим сифатида эмас, оддий бир инсон сифатида сабр қилишларингизни, "Сабр таги — сариқ олтин", эканлигини эслатмоқчиман.

Қишлоқ вақили бу моҳарога нуқта қўйди. Келин икки боласини олиб келди, ашқол-дашқоллари билан. Келин қайнона ва қайнонасидан кечирим сўради. Энди бу ишлар тақорланмаслигига ваъда берди.

Шу орада ота-онаси уйда бир ойдан кўпроқ яшди, фарзандлари билан. Бу ерда яхши яшадими деган савол туғилади. Йўқ, нега?.. Келиннинг 4 акиси бор, фарзандлари бор. Улар оталари ҳовлисига яқин участкалар қуриб чиқишган. Ҳар кун 8-10 набира бобо-бувилариникига келишар, келин-чакнинг болалари билан уришишарди. Бир эмас бирида келинчақ орага тушарди. Натижада келинчақ билан янгалар ўртасида оз-моз тортишувлар бўлиб ўтарди. Халқимизда "Чиққан киз, чиғирикдан ташқарида", деган мақол бор. Келин энди ота-онасиникига, болалари билан сийма қоларди. "Ўз уйим ўлан тўшагим", деб шунга айтсалар керак-да. "Кенг уйинг келинчаги" бўлиб юрган экану, бахтининг қадрига етмаган экан-да. Афсус.

супирадиган, сигирни соғиб, ширчоқ пишириб, қайнота ва қайнонани уйғотадиган бўлди. Уй юмушларини баҳариб, энди қайнона ва қайнотага бошқача муомала қиладиган бўлди. Мана 4-5 йил бўлаяптики, оилада тинчлик, хотиржамлик. Бу орада қайнона вафот этди. Болалари мактабда ўқишяпти. Оллоҳ бу оилага яна бир ўғил фарзанд ато этди. Ҳаммалари яхши яшашяпти.

Ҳақиқатан ҳам оилани сақлаб қолиш, фарзандларни тирик етим қилмаслик учун маҳалла вақили, фуқаролар йиғини раислари, ўринбосари, қишлоқ кексалари ҳамжихатлиқда ҳаракат қилишлари зарур, деб ҳисоблайман. Ҳар бир оила жамиятимизнинг бир бўлаги. Оилани сақлаб қолиш учун оила бошлиқлари биринчидан жавобгардир. Ёшларни тарбиялаш, оилани ҳар қандай ажралишлардан сақлаб қолиш, шаҳарда маҳалла бошлиқларига, қишлоқда эса фуқаролар йиғини раҳбарлари, қишлоқ вақилларига боғлиқдир. Менимча, оила ажралиши судғача бордини, судда маҳалла раислари ёки фуқаролар йиғини раҳбарлари ҳамда қишлоқ вақили судда иштирок этса-ю, ёшларга оилани сақлаб қолиш, фарзандларни тирик етим қилмаслик, арзимас алиментлар ундирмаслик чораларини кўрсалар. Ёш оилаларни сақлаб қолсалар. Уларни оилавий шароитидан тез-тез хабар олсалар яхши бўларди...

...Мен 30 йил ўқитувчилик қилдим. Дарсларим давомда кўнгли ўқисик, қалби яраланган ўқувчиларни кўриб, ота-оналари бор болалар билан тақдослаганман. Уларнинг кийинишлари, овқатланишлари, дарсни тайёрлаб қилишларида ер билан осмонча фарқ бориғини кузатганман. Ҳеч бир бола ўз ота-онасидан асло ажралмасди! Ота-она бағрида ўсиб-ўлғайган фарзанд биринчидан, ота-онасини, иккинчидан, туғилиб ўсган жойини, яъни Ватанини севади, халқини севади. Астойдил ўқийди, келажакда она-Ватани учун муносиб фарзанд бўлиб етишади.

Ҳайбулла АБДУЛЛАЕВ

Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани,
"Зарафшон" ш.х.

СЕНГА ҚИЙИН, МЕНГА ҲАМ ҚИЙИН

"Севгим-бахтим ёнимда экан..."—36-сон

ЭСЛАТМА: Бир аёл орзу қилгудек уй-жойини, етарли давлатим бор. Аммо юрагимни армон тинч қўймайди. Севгим Рустам билан оила қуриш менга насиб этмади. Йиллар давомида унинг муҳаббати билан яшадим. Бир кун уни учратиб қолдим, менга нисбатан лоқайдлигини кўриб, фигоним фалакка чиқди. Шунда мен истаган бахтни Рустам эмас, балки ўзим севайман, деб ўйлаган умр йўлдошим ато этганлигини тушундим.

УМИДА



дай шўх-мағрур йигит менга бош эгиб ҳисобот топширди, деб ўйлаганларимни ўзимдан бошқа ҳеч ким сезгани йўқ.

Биз ҳеч қачон сеvgи ҳақида гаплашмаганмиз. Қўл ушлаш киномарга бормаганмиз, синфдошларнинг мактабни тугатишда зиёфатлар уюштиришган бўлса-да, шуларга ҳам қатнашмаганман.

Мактабни тугатгач, мен шароитим бўлмай ўқишга бора олмадим. Синфдошим Душанбега

ўқишга кетди. Орадан бир йил ўтди. Бувиҳоним: "Мен ўлиб қолсам, сени ким узатади", - деб йиғлайверганларидан сўнг, мени кўшни маҳалладаги бир йигитга унаштиришди. Шунда Душанбедаги йигитнинг катта опаси ёнимга келиб, нотўғри иш қилаётганлигини, укаси хат ёзиб менга уйланишмоқчилигини айтиб, хали ҳам бу аҳдидан қайтишимни ўтиниб сўради.

Тақдир ўз ҳукмини ўқиб бўлган эди. Тўйимиз бўлиб ўтди.

Инсон пешонасига ёзилган тақдирдан қочиб қутула олмайдми. Менинг онам сурхондарёлик, дадам эса ленинободлик эди. Улар севишиб турмуш қуришиб, уч фарзандлик бўлишган. Фалакнинг гардиши билан севишганлар ажралишиб, кичикинтой синглим онамда қолиб, мен ва укамни дада-жоним Ленинободга, Нов туманига олиб кетган экан. Ўша вақтда мен 7 ёшда, ҳозир марҳум бўлган укажоним 4 ёшда эди. Йиллар ўтаверди. Мен бувиҳоним ва ўғай онам қўлида тарбияландим.

Қисматни қарангки, дадам 16 ёшимда вафот этди. Ох, у қўнларни эсласам юрак-бағрим эзилиб кетади. Чунки, бу қўнлар мен ақлимни таниган пайтдаги энг катта йўқотиш эди. Ўрта мактабда ўқиб юрганымда бир синфдошимнинг менга нисбатан бошқача назар билан қарашини, ерга урса кўкка сап-чиқидиган бола дарсларини яхши ўқишга ҳаракат қилаётганини сезиб қолдим.

Қайсидаир тадбир бўйича у менга ҳисобот топширди. Ўша вақтда менинг ич-ичимдан гурурланиб кетганимни, шун-

Мен ўзимнинг бахт окшомимни эслаб олмаيمан. Базм бошланиб, то туғайунча йиғлаб ўтирганман. Тақдирга кўнишиб, ҳаётнинг не-не бир синовларига чидаб икки нафар қизчалик бўлдим. Ўзим ҳаёл сурар эдим. «У-ку менинг тўйимда ичиб аламдан чиқибди. Мен унинг тўйини эшитсам, қандай аҳволга тушар эканман? Унинг тўйини ҳам, қандай яшашини ҳам кўрмасам эди», - деб илтижо қилардим. Хуллас, оҳим Оллоҳга етиб, биз турмуш ўртоғим билан Сурхондарёга, онамнинг юртига кўчиб кетдик.

Севги шундай муқаддас тўғу экан. Ёшим 40дан ошса-да, Нова борсам синфдошим яшаётган кўчадан ўтсам хануз оёқларимга титроқ қиради. Ўзини узокдан бир кўрсам юрагим таскин топади. Биз халигача фақат саломлашамиз. Йигирма йиллик синфдошлар учрашувида ҳам иккимиз икки даврада ўтирганмиз. Умида опа! Сизга айтмоқчи бўлган сўзларим шуки: Сиз Рустам билан учрашиб тўғри қилгансиз. Агар учрашганингизда турмуш ўртоғингизга нисбатан ҳеч қачон юрагингизда меҳр уйғонмаган, ун ардоқламаган, бахт қасрингизни муштахкамламаган бўлар эдингиз. "Қўшганинг билан қўша қари",

деб шуни айтишса керак. Турмуш ўртоғингизнинг қадрига етинг, болаларингизнинг орзу-хаёсларини кўринг.

Менинг эса пешонам шунчалик шўр эканим, 1993 йил турмуш ўртоғим вафот этдилар. Ҳозир олти нафар фарзандимни тарбиялаб, шуларнинг бахти учун яшаб юрибман. Мен ўзимни йиллар давомида юрагимда ардоқлаган армонимни бир шеър орқали ифодамоқчи ҳам бўлгандим.

Ёнингдаги гўзал келинчақ,
Танир эди бизни аввалдан.
Билар эди севишимизни,
Билар эди севишимизни ҳам.

Сенга қийин, менга ҳам қийин,
Сир бой бермай ўтиб кетмоқчи.
Орадаги ўша гўзалга,
Энди билсам жуда ҳам қийин.
Менинг фикримча, ҳақиқий сеvgи - бу армон бўлиб қолган сеvgи. Инсон ўзи орзу қилган нарсасига эришса лоқайд бўлиб қолиши ҳам рост. Мен "Оила ва жамият" газетасини жуда севиб ўқийман. Ҳаётда яшашимга, фарзандларим бахти учун ишлашимга, кийинчиликларини енгиб ўтишимга бу газетанинг менга жуда кўп фойдаси тегади.

М. ГУЛМУРОДОВА
Сурхондарё вилояти



Хурматли Мавжуда АШУРОВА!

29-октябр — туғилган кунинг билан чин орақдан табриклаймиз.

Ўқиб ва ишларингда омад ва бахт ёр бўлишини истаб қоламиз.

Жуманазар, Акбар

Хурматли Акмал РАХИМОВ!

Таваллудингизни 30 йиллиги муборак бўлсин!

Сизга узоқ умр, муаллимлик касбингизда зафарлар тилаймиз.

Юлдуз Раҳимова

Қизилтепа тумани



Жиянчам МАШХУРА!
Дунёнинг энг гўзал шодлигига бахти,
Сенинг йўлларингга мушук болажон.
Камалингни кўриб қувнайди ҳар дам,
Бахтимизга омон бўлгин Машхурам!

Холажонинг Заргул

Азиз фарзандим Махбуба САЙФИДИНОВА!

Беғубор 10 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз.

Умринг узоқ, бахтли-саодатли бўл.

Отанг Алишер Бердиев

Қизилтепа тумани

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1 ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм; Компьютерчилик - 10 000 сўм.

2 ойлик: - Вышивка - 5000 сўм. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм.

- Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.

1-Манзил: Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зукко» фирмасининг ўқув маркази. «Адиас» дўкони ёнида. Тел: 42-36-71

3 ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 5000 сўм.

- Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио устасари. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Виллотдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқишга қафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозоғистон» кинотеатри биноси ичида. Тел: 35-10-36

ОВЛОҚАГИ ОҚ УЙ

Болалигим водийнинг чекка қишлоқларидан бирида ўтган. Одамлари ўта содда, тоза дил, меҳнаткаш бўлган бу қишлоқнинг номи "Тегирмонбоши" эди. Биз яшайдиган уй билан бувимнинг уйи ораси уч-тўрт қақирим, ўртада кичикроқ мевазор боғ бўларди. Боғ жамоа ҳўқалигига қарашли бўлиб, пахта теримидан қайтар пайтлар чўнтақларимизни олма ва беҳига тўлдириб олар эдик.

Фасллар келинчаги баҳор ўз сеппини ёйган кунларнинг бирида бувимнинг уйига бориш учун онамдан рўхсат олдим. Йўлга тушганимда тушлик пайти эди. Тезроқ етиб олиш мақсадида боғ ўртасидан кесиб ўтадиган ёлғизоёқ йўлга бурилдим. Йўлнинг ярмига етганимда рўпарамда "Оқ уй" кўриниб қолди. Боғнинг ўртасида жойлашган олди пешайвон, зшик-деразалари йўқ, деворлари кўчиб тушган, 3-4 хонадан иборат бу эски уйи одамлар нима учундир "Оқ уй", деб аташарди.

Бирдан қадам босишим секинлашиб кўрқув исканжага ола бошлади. Эшитганларим - қишлоқ одамлари орасида юрадиган мишмишлар ёдимга тушди... "Оқ уй" да ажина бор...", "Оқ уй инс-жинслар макони..."

Мен миш-мишларга ишонамас эдим. Лекин ваҳима секин-аста бола қалбимни боса бошлади. Аланглаб орқа-олдимга қарайман, ҳеч кимнинг қораси кўринмади.

Бир пайт... Бир пайт оёқларимдан мадор кетиб, кўзим тана бошлади. Вужудимни титроқ босиб, жон ҳолатда югурдим. Йўл бошига чиқиб олиш учун қанчалик талпинмайин, у мендан шунчалик узоқлашган

дай туюларди. Қандайдир шарпа мени қулаб келаётгандай эди. Қоҳай деб ўзимни боққа урдим. Бақрайар десам, томоғимга бир нима тикилиб овозим чиқмади. Жон ҳолатда "энди асфаласофинга кетдим", деб ўйлардим. Бувимнинг ўргатганлари эсимга тушиб "Ла илаха илаллоху Мухаммадур Расулуллох..." деб калима қайтара бошладим... Қанча вақт ўтганини билмайман. Тўшим ё ўнгимлигини ажрата олмай гаранг бўлиб боғ чеккасида чикдим. Маҳалла четигади уйлар кўринди. Ўзимни бир оз энгил ҳис қилиб йўлимда давом этдим.

Бувим уйда эканлар, рангимни кўриб кўрқиб кетдилар. Дарров юз-кўзим аралаш совуқ сув селиб суриштира бошладилар: "Ким билан уришдинг?... Қаерда?... Нима бўлди?...". Бувим озгизмга ишора қилиб гапирардилар. Мен ҳайрон бўлиб ойнага қарадим. Ишонасизми-йўқми, лабларим шишиб озгизм қийшайиб қолганди. Агар ҳозир онам кўрсалар юраклари нақд ёрилиб кетади. Бувимга бўлган воқеани айтиб берганимдан сўнг, аввал ўзимни, сўнгра мени ёлғиз жўнатган онамни қийдирилди. Кейин эса дарров бошимдан пахта айлантириб ирим-сиримини қилдилар: пул атадилар, чироқ ёқдилар. Кечкўрун ёстигим тағига пичоқ қўйиб, устимни қалин қилиб ўрадилар.

Кечаси билан узук-юлуқ туш кўриб алаҳсираб чикдим. Эрталаб тура солиб ойнага қарадим. Қийшайган лабларим ўз ҳолига келиб қолган эди.

Орадан 20 йил ўтибди ҳамки, бу воқеа кечагидек эсимда. Боғ ўртасидаги ёлғиз "Оқ уй" ва у билан боғлиқ сир-синоатлар ҳамон мени ўйлантиради.

Тошкент шаҳри

Одина ЭРГАШЕВА

БУ ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Қизимга бир йигитдан совчилар келди. Биз уларга аниқ жавоб айтишдан аввал йигитнинг маҳалласига бориб суриштирдик. Шунда қўшилардан бири унинг гиёҳвандликка берилганини айтди. Уни даволаш мумкинми? Ўша касаллик ҳақида маълумот берсангиз...

М. СОБИРОВА

Чилонзор тумани,
"Ватан маҳалласи"

Ушбу саволга Республика Саломатлик институтининг Тошкент вилояти филиали шифокори, соғлом турмуш бўлими мудири Юнусова Саида Анваровна жавоб беради.

Ҳозирги вақтда бу касаллик кўпайгани учун уни 20 аср ва боси деб номланди. Гиёҳванд моддани бир марта истеъмол қилганлар тезда ўрганиб қолишади. Оқибатда ўша одам энди уни истеъмол қилмасда тура олмайдиган ҳолатга келади. Гиёҳвандликнинг пайдо бўлиши шартли уч босқичга бўлинади.

Гиёҳванд моддаларга ўрганиш 1- босқич ҳисобланади. Иккинчи, шу моддага ҳумор тутгандан кейин уни яна истеъмол қилиш эҳтиёжи, охириги босқичида эса, гиёҳванд моддани истеъмол қилган билан организм

нинг ҳумори босилмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун бу касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган, бунга йўл қўймаган маъқул. У бош миё фаолиятига қаттиқ таъсир қилиб, оқибатда рақ ва ўпка касалликларини келиб чиқишини тезлаштиради.

Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қиладиган одамлар жамият учун хавфли шахсларга айланишади. Сержаҳл, тажанг, ваҳимачи бўлиб қолишади. Бадаллари кўқариб, қичишиб, қалтираб, мушаклари тортиша бошлайди.

Бундай зарарли одатга берилган беморларга ўз вақтида наркологик касаллар диспансерида қатъий режим асосида даволаш талаб этилади. Бироқ, энг маъқули оиламиздаги фарзандларимизнинг юриш-туришларини, улар мулоқотда бўладиган дўстларининг қимлигини суриштириб туриш керак. Юқорида айтилганидек, қизингизга совчи келар экан, тўйдан аввал келинни ҳам, қувни ҳам тиббиёт кўригидан ўтказилиши ҳар иккиси учун ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, маҳалладаги одамларнинг қимлигини, юриш-туришларини албатта маҳалладошлар яхши билишади. Ана шундагина фарзандингизга таҳдид соладиган хавфу-хатарнинг олдини олган бўласиз.

ҲАМИДА тайёрлади

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази куйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзилимиз: Абдулла Кодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг «Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади:

3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, MS Office) INTERNET, E-MAIL - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларнинг электр қисмини созлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик. - Компютер, принтер, телевизор таъмирлаиши.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институты биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

«ЭЛИТА» усулида парда ва покрываллар тикишни ўргатаман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73, 106-22-73 РАЪНО

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГ БЎШ 10 ёшдан ошган ўГИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуқ, простата беэи касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номили жамоа ҳўжа Бойбеов кўчаси, 12-уй. «Чорсу» шохбекатидан 464, 469,522-автотубусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

КОМПЬЮТЕР БИЛИМЛАРИ!!! Индивидуал, амалиёт, 100% кафолатли 1 ойда (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint) тел. 35-82-51 Гулрух

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ КОШИДАГИ «ОИЛА ЗИЙНАТИ» МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ойлик: - Бичиш-тикиш (тезкор турух) - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. - Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. - Массаж (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. - Оқшом либосларини безаш, бир ойга - 4000 сўм. - Машинада гул тикиш, (вишивка) бир ойга - 4000 сўм. - Косметология, бир ойга - 5000 сўм.

3 ойлик: - Зардўзлик, (Бухороча) бир ойга - 4000 сўм. - Кўрпа-кўрпача тўн ва бешик асбобларини тикиш - 4000 сўм. - Инглиз тили, бир ойга - 4000 сўм.

4 ойлик - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) - Сартарошлик. - Бичиш-тикиш (бурда моден бўйича).

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар кунда, ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Компьютер сабоқлари - 2 ой (якка тартибда). Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти хўжаларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади; 3. Қаштачилик — 3 ой, машинада тикиш — 3 ой; 4. Зардўзлик (бухороча) — 3 ой;

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587 Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ

замонавий касб-ҳунар курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ: - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой. - Манжур ва педикюр - 1 ой. - Фармацевт-4 ой. - Бичиш-тикиш (замонавий моделлаштириш)-3 ой. - Эркалар костюм-палтоси-2 ой. - Парда, покрывал (замонавий Элита усулида). - Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой. - Массаж-2 ой. - Аёллар костюм-палтоси-2 ой. - Косметология-2 ой.

ДИҚҚАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-қувв либослари ижарага берилади.

Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирилганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўйин, ошқороз-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиял астма хасталигида гормонал дорилар қўлланилмайди. Аллергия касаллиқларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб қиналади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автотубуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

ЯХШИЛИК ҚИЛАМАН ДЕБ МАЛОМАТГА ҚОЛДИМ...

Кўпинча аёлларимиз биз эркакларни маданиятсизликда, аёлларни ҳурмат қилмасликда айблашди. Ҳамма жойда бу борада турли фикр билдирилади, ҳаммаша хотин-қизларнинг қилган иши тўғри, деб ҳисобланади. Лекин ҳар доим улар ҳақмикан? Йўқ, албатта. Негизда бу масалада ҳақли равишда менинг ҳам ўз эътирозларим бор.

Тошкентдаги ташкилотлардан бирида ишлайман. Ишдан кейин эса баъзан киракашлик ҳам қилиб тураман. Бир кун миҳозларимни Шимолӣ вокзалга олиб келиб қўйдимда, яна одам олиш учун кутиб турдим. Соат кечки 8 лар эди чамамда. Шу пайтда эса қаердан поезд келди шекилли, йўловчилар тўп-тўп бўлиб чиқа бошлашди. Бирпасда ҳаммаёқ тумонот одамга тўлди. Мен миҳоз кутиб уларга қараб ўтирдим. Орадан кўп вақт ўтмай кимдир таксига, кимдир автобусларга ўтиришиб ўз манзиллари томонга равона бўлишди ҳаммаёқ бўшаб қолди. Перронда эса бир аёл турди. Унинг икки қўлида оғирлиги билиниб турган жомадонлар, елкасида ҳам анчагина вазмин сумкаси кўринарди. У қўлидагиларни қўйиб атрафга аланглай бошлади. Мен у Тошкентга биринчи марта келган бўлса қаерга боришини билмаётгандир, балки у бориши ке-

“Эркаклар олами” саҳифасини ташкил этишдан мақсад ҳаётимизда соғлом турмуш тарзи устувор бўлсин. Эр-ийгитларимиз, паноҳбонларимиз билиб-билмай кўнгилнинг турли кўчаларига кириб қолиб, сўнг пушаймон чекмасинлар. Маломаат ботқоғига ботиб қолмасинлар. Аслида-ку, буювжону онахонларимиз қизларини ёшлиқдан аёллик ва оналик оламига тайёрлаб боришнинг илтимосини эълон қилмоқчи бўлишди. Эр-хонозик муомалада нима-бериб керак бўлсада уқитлар кайгурмайди. Гиз балоғат қалқили оламига ўнг овозлари лари сабза ларга нисбатан қизиқишлари шундай ҳолат билан қандай муомалада бўлиш кераклигини ўйлаганмиз? Унинг бошдан кечирадиган саргузаштларига эътибор билан қараганмиз? Бу ҳақда у билан бамайлихотир ўтириб, сирли-сирли дилдан суҳбат қилиб кўрганмиз? Балки ўзингиз ҳам йигитлик даврингизда ажойиб-ғаройиб воқеаларни бошдан ўтказгандирсиз. Биз сиздан ана шу тахлит мақолаларни, ўз мурожаз ва тақлифларингизни кутиб қоламиз. Бошдан кечирганларингизни эслаб, энг ибратта лойиқларини бизга ёзиб юборишингизни жуда-жуда истардик. Келинлар, азиялар, суюкли газетангизнинг “Эркаклар олами” саҳифасини биргаликда бойитайлик. Ахир ҳаётимиз мазмунли ҳам шундай-ку, бир-биримиздан ўрганамиз, бир-биримизга ўргатамиз. Ҳаёт бардавомлигига ўз ҳиссамизни қўшамиз.



рак бўлган манзилни мен биларман, деб ўйладим. Кейин унинг олдида келдим-да: “Кечирасиз синглим, қаерга борасиз? Мен ҳам миҳоз кутаётганман. Бора-бори жойингизни айтсангиз, балки мен олиб бориб қўярман”, дедим. У менга раҳмат айтиб машинага ўтирса керак, деб ўйлагандим. Қаёқда, бирдангина тутақиб: “Хой, сен ўзи кимсан? Балки ўғирдирсан, балки қотилдирсан? Нима ишинг бор менинг қаёққа

боришим билан? Йўқол бу ердан, бўлмаса милиция чакраман?” дея бақира бошлади. Мен эсанкираб қолдим. Чунки ҳали ҳеч ким мени бу қадар ҳақорат қилмаганди. Ахир мен унинг ўрнида турган ҳар кимга ҳам мурожаат қилишим мумкин эди-да. Рўзгоримга қўшимча уч-тўрт сўм топиш илҳижда ишдан кейин дам олмай турли ташвишларда юрган одамларнинг ҳолатини чиқарсам... Очиги баъзи одамлар “раҳмат” айтиб тушиб кетишса ҳам бошим осмонга етарди. Ўзимдан рози бўлиб кетардим. Аммо ўша кунги бир аллозда уйга қайтдим. Шундан бун киракашлик қилмай қўйдим. Мени бошқа аёллар кечирсинлар, агар энди киракашликка чиқсам ҳам аёл йўловчиларни умуман машинамга ўтказмасликка қасам ичдим. Тўғри-да, аёллар ҳам баъзан жуд-а-а ошириб юборишади. Нимага уларнинг фикрича яхшилик қилмоқчи бўлган барча эркаклар ёмон ниятда бўлиши керак? Агар аёл одобли бўлса ҳар қандай муомалани тўғри тушуниши мумкин-ку. Мана учун аёлларнинг ҳар қандай қилиги оқланадиган эркаклар ёмонга чиқиб қолаверади? Мен бундай фикрларга умуман қаршиман. Сизлар нима дейсизлар муҳтарам аёллар, ёки менинг гапларим нотўғрими?

Қодир МИРАБЗАЛОВ
Чилонзор тумани

ҲАММАСИ ТУШДАГИДАЙ БЎЛДИ

Хайдовчилик курсини тугатиб ишга жойлашиш ниятида юрган пайтларим эди. Ўшанда 19 ёшда эдим. Бир кун кўчада синфдош ўртоғимни учратиб қолдим. Салом аликдан сўнг: “Кетдик, сени бир жойга олиб бораман, қизлар билан бир машишат қиламиз”, деб қолди. Мен қизлар билан ҳеч маишат қилиб кўрмаганим учун: “Йўқ ўзинг боварер, менинг қиладиган зарур ишларим бор”, деб унамадим. Тушлик пайти эди, ўртоғим иккаламиз ошхонага кирдик. Овқат билан қўшиб бир ишадан пивони ҳам бўшатиб олдик. Асабларим бироз юмшади. Ўртоғим яна ўша гапни айтиб мени қистади. Нимагадир қизиқишимни ошиб эътироз билдирмадим. Кўнгилмизда қандайдир мойиллик бор эди. Ҳазил-ҳазил билан бошлашиб кетдик. Ўртоғим йўл-йўлакка бошдан ўтган ишқий саргузаштларини ҳикоя қилиб боради. Унинг бу гаплари менга тамоман ёт ҳаёлий бир нарсасдай туюлиб, тасаввуримга сиғдиролмасдим. Хуллас, кўпқаватли бир уйга бурилдик. “Шу ерда”, таъкидлади уйга ишора қилиб. Менинг юрагим бир ҳаприқиб кетди. Учинчи қаватдаги бир уйга кирдик. Хонада 3-4 та ҳар хил ёшдаги қиз-жувонлар бор экан. Улар чақчақлашиб ўтиришарди. Ўртоғим: “Мана сенга олам-олам гул, этагинга сиққанича ол”, деб елкамга бир қоқиқ қўйди. Мен гул танлаш у ёқда турсин, уларни хидлаб ҳам кўрмагандим умримда. Ўртоғим: “Сен ҳам танла”, дедида, чамаси 18 ёшли бир қиз билан алоҳида хонага ўтиб кетди. Мен қоккан қозикдай саросимада қотиб турардим. Аёллар менга ҳар хил илмоқли гапларни отишиб “ҳиринг-ҳиринг” қулишарди. Бир аёл: “Туришга қараганда, ҳали кўзи очилмаган, ўхшайди, бугун кўзини очиб қўямиз, бир маишат қилсин, кейин ўзи оёғи куйган товукдай зир юғуриб ёнимизга келаверади”,

деб ўртага гап ташлади. Бу гапдан аёллар бир-бирларига қўл ташлашиб, хонани бошга қўтаргудай қийқиришиб қулишарди. Менинг эса бор вужудимга олов кириб, қандайдир қалтироқ исканжага олганди. Санокли дақиқалар ўтиб, ўртоғим ички кийимда хонадан чиқиб, ювиниш хонасига ўтиб кетди. У ювиниш чиқиб менга юзланди. “Ҳали ҳам турибсанми, бўл тезроқ”. Мен: “Ҳохламаймман, тезроқ кетайлик бу ердан”, дедим. Шу топда ўртоғим билан бирга бўлган қиз ҳам елкасига халатини ташлаб ювиниш хонасига ўтиб кетди. Биз ўртоғим билан бир неча дақиқа тортишиб турдик. У: “Қуруқ келиб, қуруқ кетасанми, галварс тезроқ танла”, деб қистайди, мен эса рад жавобини берардим. Бир пайт қиз ювиниш хонасидан чиқиб ўртоғимнинг ёнига келиб: “Нима гап?” деди. Ўртоғим вазиятни тушунтирди. Шунда у қўлимдан ушлаб ичкарига тортиди. Ўртоғим унга ёрдам берган бўлиб елкамдан итарди. Хуллас, икковлашиб уйга мени киргизди. Эшик ёпилди. Пардалар туширилган. Қиз елкасигада халатни креслога оқштириб, икки кишилик диванга қип яланғич ҳолда чалқанча ётиб, мени ўзига қорлади. Мен ёнига боришни ҳам, бормаслигини ҳам билмай оёқларим дир-дир титтарди. “Ечининг”, деб буюрди қиз менга. Мен “Бундай қилолмайман”, дедим. Ўнда ўзим ечинтириб қўяман”, деб туриб келиб тугмаларимни еча бошлади. Нафас олишим қийинлашди. Хона кўзимга гира-шира кўрина бошлади, ичган одамдай ўзимни ҳис қила бошладим. Унинг иссиқ бадани баданимга тегиши ҳамон, ўзимни тамоман йўқотдим. Ҳаммаси тушдагидай бир неча дақиқа давом этди. Мен ўзимни анча босиб олдим. Шундан кейин қачон юз грам ичсам шу ерга келгим келаверадиган бўлди.

САНЖАР
Субхатдош:
Темур РЎЗИМАТОВ

Дўппини олиб бир ўйлаб кўрсак...

Ота-она меҳри ҳам қуёш нуридай бир гап. Биз фарзандларимизнинг ўқиш ва ишларига кўпроқ эътибор беришимиз табиий. Лекин одоб-ахлоқига келганда сал оқсаймиз. Яқинда бир киши шундай дейди: “Худого шукр, 4 та боламнинг ҳаммасини институтда ўқитдим. Ҳозир барчаси уйли-жойли. Лекин барибир ҳам улардан кўнглим

лар, бари бир-бирига ишонсизликдан, хиёнатдан келиб чиқади. Буларнинг бари ўсмирнинг балоғат ёшида қандай қадам босишига боғлиқ. Биз ёшларимизнинг билим олиши, моддий жиҳатдан оёққа туриб олиши борасида кўп қайғураемиз. Лекин уларнинг ички кечинамари билан қизиқмаймиз. Ақл билан баробар унда шавку эҳти-

билан ўрталарингда ётмасин. Яна ҳа деб ҳўрозга ўхшаб қилиқ чиқарма. Ҳўрознинг йўриғи, сенинг йўриғинг бошқа. Сабаби тез қариб қолсан. Иккинчи томондан шу ишга ўрганиб қилиб, ҳумори ҳар кун тута-диган бўлиб қолади. Ўндан кейин зинҳор ба зинҳор номахрам билан зино қилгучи бўлма. Дўсту ёрларинг олдида ишончгини йўқотасан. “Мени хо-

БОЛАМНИ ОЛАМГА ҚЎЙИШДА НЎР ОЛСИН

тўлмайди. Чунки болаларимга етарлича таълим, тарбия беришимизнинг йўли бермасди. Уларга танбех берсам, хотиним орага тушиб уларнинг ёнини оларди. Оқибатда болаларим кимга қулоқ солишини билмай вояга етишди. Мени ҳам, хотинимни ҳам хохласа ҳурмат қилади, хохламаса йўқ. Айтгани-айтган, дегани деган”. Демак, ота бир гапни, она бошқа гапни, мактаб эса учинчи гапни айтса бола кимга ишонсин? Шу бошдан балоғат ёшига етган баъзи бир ёшларимиз оёғига эргашиб кетиши шунданмики? Бу борада уларга алаҳқондан издан чиқиб кетган тенгдошлари ёрдам қўлини қўйишади. Яқинда бир аёл кўнғироқ қилиб шундай дейди: “Ака, сизга айтишга ҳам тилим бормайди. 2 та фарзандим бор. Эрим мени ҳурмат қилади. Лекин суюққонлиги ҳам бор. Уни бу йўлдан қайтаришга оҳимман. Хар сафар: “Нима қилай, шу ишни қилмасам туролмайман, оёғим ўзимга бўйсунмай қолади шундай пайтда”, дейди. Касалликка йўлиқиб қолишдан хавотирдаман. Минг қилса ҳам кўз очиб кўрганам, иккита боламнинг отаси бўлгани учун жоним ҳалак”, деди. Мен унга маслаҳат берайяман, кўнглимдан: “Ўрганган кўнгли ўртанса қўямас”, деган гап кечиб турарди. Унга жўртага: “Сиз ҳам қасдма-қасд бирортасини топиб олмадингизми?”, дедим. У эса: “Худо сакласин, мен бу номаъуличилигини тасаввуримга ҳам сиғдиролмайман”, деб жавоб қайтарди. Демак, бу йўл унга тамоман бегона. Оиладаги кўнглисизликлар, қўйди-қичди-

рос, ҳам ривожланиб боради. Уларни жиловлаш борасида лом-мим демайсиз. Дайдиганимиз яхшига ёндош, ёмондан йироқ юр”. Ҳозирда чет эл фахш филмлари энг чекка қишлоқларга ҳам етиб боради. Бу эса йигитларни кўр-кўрона шаҳват оламига киришга қорлайди. Биз бу филмларни етти ухлаб ҳам тушимизда кўрмаганимиз. Шу ўринда раҳматли буюмининг бир насиҳатлари ёдимга тушиб кетди. Хар замоннинг ўз тош-тарозиси бор, албатта. Бувим бирда келинлик даврлари ҳақида ҳикоя қилиб шундай дегандилар: “Сен ҳам эрта-индин уйланасан, аёл эмас болам, баъзи бир нарсаларни билиб қўйишинг керак. Мен бобонгнинг маҳрига тушганимда севги нилмалигини билмаган 13 ёшли қизалоқ эдим. Бошда мени қайнонам қўйнига олиб ётарди. Ҳартада бир-икки марта бобонга қўшиб қўярди. Мен ўша кунни жуда ёмон кўрардим. Бобонг қўчадан кириб келаверса, кўзимга девдай кўриниб, ҳовлида бирор иш қилиб юрган бўлсам ишимни ҳам ташлаб халоскорим қайнонам ўтирган уйга кириб кетардим. Қайнонам бўлмаса бобонгнинг қўлига сув қўйишга ҳам қўрқардим. Кейинчалик кўникиб кетдим. Шунда ҳам жойимиз алоҳида-алоҳида бўларди. Айтишларича, “Отнинг олдида эшакни боғласа қасри урармиш”. Эру хотин ҳам бир жойда ётса бир-бирига иси уради. Ҳозирда бунга кўнчилиқ аҳамият бермай қўйган. Сен эса аҳамият бер. Хотининг билан қўшилиб бўлгандан кейин алоҳида тўшақда ёт. Шайтон туни

тинимга ҳам ола қараса-я”, деб ўзларини олиб қочадиган бўлишади. Топиш-туттишда, юриш-туришда гўз юр. Аёл зоти мингир-мингир қилган эркакни қалишига патак қилиб олиши турган гап. Хотининг бошини тўшақда сила, бошқа пайтлар суйқалавериб сир бой берма”. Тарбия оиладан бошланади деганига бир мисолни келтирмоқчиман. Бир эски танишим бор. Унинг пасту баланд сўт устига бўлган 18-19 ёшли ўғли бор. Бирда уни йўқлаб бордим. Дастурхон атрафида ота, болалар биргаликда нонушта қилдик. Кейин дастурхон йиғилди. Танишим диванга қўзилди мен креслога қўқдим. Телевизорда севги ҳақида филм бораётган эди. Бир пайт филм қаҳрамони бўлиши йигит ва қиз ўпишиш учун чоғланган эди, йигитлар шарт ўрниларидан туриб бошқа хонага ўтиб кетишди. Шу-шу улар қорасини қўрсатишмади. Демак, бу оилада ота подшо, она эса вазир. Фарзандлар ҳам ўз ўринларини билишади. Уларни қўзини фахш филмлари ҳам, фоҳишавор ҳам очолмайди. Пой-деворни мустаҳкам иморат ҳар қандай зилзилага дош бергани каби, болага ҳам бошдан тарбия берса у йўлдан ҳеч қачон адашмайди. Юқоридаги гапимни яна таъкидлагим келаяпти, қовун қовундан эмас, қуёш меҳридан, бола эса оила иқлимидан ранг олади.

ОДИЛ ТУРДИЕВ

Газетхонларимиз ижодидан



Ҳаётим мазмуни, кўзларим нури,
Ёшлигим қувончи, бахтим сурури.
Ҳаётим кўкида порлаган қуёш,
Сизсиз ардоқлигим Онажонгинам.

Мени келтирдингиз ёруғ оламга,
Ўргатдингиз ақлу-меҳр онага.
Яшнаган бир гулсиз дил чаманида,
Сизсиз ардоқлигим Онажонгинам.

Фарзандга айтгансиз маънос аллалар,
Аллами ё дилдан чиққан нолалар...
Ойдиной МУКИМОВА

Бухоро вилояти,
Шофиркон тумани

Онажоним, сиз эдингиз,
Болалигим, қувончим.
Сиз эдингиз соябоним -
Борим, йўғим, юпанчим.

Онажоним, сиз эдингиз,
Меҳр илпн боғлаган.
Ака-ука жанжаллашсак,
Аҳилликка чорлаган.

Онажоним, сиз эдингиз,
Ҳеч тунгмас давлатим.
Сиз кетган кун эгилди-ку,
Чинордайин савлатим.

Ишдан қайтсам болаларим,
Пешвоз чиқар юғриб.
Орзиқаман мен уларда,
Болалигимни кўриб.

Ғойибназар
МУҲАММАДНАЗАРОВ
Тошкент шаҳри

ҲАР ЁНДА ЯНГРАГАЙ
СИЗНИНГ НОМИНГИЗ

Йўқолиб кетмадик туманлар аро,
Неки орзу этдик бўлди намоён.
Гуркираб гулладик меҳр кўзида,
Йўқотиб яшадик, топдик бепоён.
Гарчи учрашмадик гуллар кўйнида,
Гарчи сўзлашмадик кўнглимиз очиб.
Қисматга кўл бериб кетаётимиз,
Сокин дарё каби тинчгина оқиб.
Ҳайрат билан севдик дунёни,
Ҳаётимиз гулга, нурга ўрадик.
Фақат... бир нарсани йўқотдик мангу,
Шундан диллар мунглиг, яралик.
У... мен беролмаган кўзларинг бахти.
У сен беролмаган кўзимдаги бахт...



Онажоним кўлларингдан,
Учиб кетган қушингман.
Бўлолмадим яхши фарзанд,
Ўнг келмаган тушингман.

Онажоним хизмат қилиб,
Ёлтирдимми бир бора.
Бизлар учун умри хазон,
Юрак-бағри садпора.

Чўлга кетган болангмидим,
Қараб келар томоғим.
Соғинчинга ох, жавобим,
Ҳасрат бўлди яроғим.

Ҳаёл сурсам гоҳида,
Кўлимда кўриб қалам.
"Шоир йўқ аждодингда",
Дейди жилмайиб онам.
Хисларимни қоғозга,
Туширмоқ дилим майли.
Онажон бу аслида,
Ўт меҳрингиз туфайли.

Жиззах вилояти,
Фаллаорол тумани,
Мўмабулоқ қишлоғи

Дардларимга шерик қилиб,
Охир адо этдим мен.
Қадрингга етмай туриб,
Она бўлиб қолдим мен.

Йилдан-йилга мунғаясан,
Сабр тилаб ноламга.
Қайтар дунё шу экан-да,
Термуламан боламга.
Малоҳат РАФИҚОВА
Ургут тумани,
Ўзбекистон ш./х.

Пешонамнинг шўр қатлами кўчиб кетди,
Қалбимдаги ғам излари ўчиб кетди.
Менинг бахтли лаҳзаларим ҳўп кечикди,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Ғўр бўлмасам ариқани дарё дердим,
Тўртта уйли бир овулни дунё дердим.
Бу ҳаётни тўрт-беш кўнлик рўё дердим,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Чўллар кездим фикру ёдим дала бўлиб,
Чой тутишга вақт топмадим бола бўлиб.
Шу боисдан куйлапман нола бўлиб,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Мақкага-ку энди сизни элтолмайман,
Рухимдасиз сиздан нари кетолмайман.
Бугун сизга талпинаман етолмайман,



Сиз менинг қуёшим, кўкдаги ойим,
Бир лаҳза кўрмасам излайман доим.
Кўнглингиз ипақдан нафис мулоийм,
Сизга сизинаман азиз онажон.
Поёндоз бўлайин йўлларингизга,
Сув бўлиб қуйилай кўлларингизга.
Гул, чечак бўлай ўнг-сўлларингизга,
Сизга сизинаман азиз онажон.

Муяссар НОРБЎТАЕВА
Сурхондарё

Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Соч оқарди, кўзойнак ҳам тақиб қолдим,
Ҳаёт экан гоҳ қувондим, гоҳо ёндим.
Сиз истаган йўлни охир топиб олдим,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Мен яшайман сиз кўрмаган кунлар учун,
Сизни зор-зор йиғлаган у тунлар учун.
Рухингизни шод этаман энди ҳар кун,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.
Обод бўлди аждодларим қабрлари,
Тўзим топди вазимин элим сабрлари.
Бошим эгмас қамчиларнинг жабрлари,
Дилга сизмай кетганини ҳаяжоним,
Кўролмайин кетдингиз-а, аяжоним.

Тоҳир НОРИМОВ

Киёс қилгум келар сизни баҳорга,
Нур-шафақ улашган саҳий сахарга.
Беғубор осмонда тиниқ ҳаёлисиз,
Сиз менинг онамсиз — гўзал аёлисиз.

Ҳар ёнда янграгай сизнинг номингиз,
Меҳрга тўлиқдир нури жомингиз.
Озор топган дилга малҳам давосиз,
Сиз менинг онамсиз — табиб аёлисиз.


Нурли юзингиздан нур олгандир ой,
Сиздан журъат олғай мавжлангучи сой.
Сизнинг ҳаётинда тиниқ ҳаёлисиз,
Сиз менинг онамсиз — танҳо аёлисиз.
Гавҳаршодбегим ЭШМУРОВА
Бекобод шаҳри

"Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди", деб бежизга айтилмаган экан. Ёшликда бир қалин дўстим бор эди. У бошқа туманда яшарди. У билан ҳарбий хизмат даврида танишганмиз. Кутилмаган меҳмон бўлиб туғил-

си ҳам кўзим тушиши билан менга суқ билан нигоҳ ташларди. Ҳалиги икки бегона қизлар ундай эмас, ибод-ҳаё билан чиройли бўлиб ўтиришарди. Мен уларга суқ билан эмас, шунчаки инсоний ҳавас билан

ҒУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗДИ-Ю...

ган қунига совға-салом кўтариб, суриштира-суриштира кечга яқин уйига кириб бордим. Ота-онаси хурсанд бўлиб мени кўтиб олди. Икки акаси уй-жойли бўлиб чиқиб кетган, бўйи етиб қолган синглиси ҳали турмушга узатилмаган экан. Мен шунда 22 ёшли овоз қуш эдим. Дўстимни қаққадири чиқиб кетганлигини, ҳали замон келиб қолишини айтишди. Қиз гарчи мен билан кўл бериб кўришмаган бўлса-да, саломлашиб сўрашган бўлди, лекин кўз қарашлари менга ғалати туюлди. Мен ҳам у пайтларда унчалик бўлмасам ҳам, бўйимнинг ўртачалигини ҳисобга олмаганда ўзимга яраша эдим. Ўртоғимнинг отаси оғир-босиқ одам экану, онаси кўз-қоши бир жойда турмайдиган, 50ни қоралаб қўйган бўлса ҳам, мулоиймроқ қилиб айтганда, ўзини дилбар аёллар сирасига тикиштиришга ҳаракат қилавераркан. Лекин ясама хулқ-атвор ва гўзалликка интилишлари шундоққина билиниб турарди. Бояги қизнинг сирли нигоҳи-ю, онанинг ўзини тутишини кўриб, энди-энди "Она-сини кўриб қизини ол", деган нақлда жон борлигига амин бўлиб турибман. Хуллас, дўстимнинг оила аъзолари мени зериктириб қўйишмади. Тоғдан, богдан гаплашиб ўтирдик. Бирор соатдан кейин дўстим бир ўртоғи ва яна иккита қиз билан кириб келишди. Улар дўстимнинг синфдошлари экан. Биз йиғитлар тоза ҳаводан нафас олиб ҳовлини бироз айландик. Хизматдаги унутиб бўлмас хотираларни эсга олиб чаққақлашдик. Бу орада она бошчилигида қизлар алоҳида уйга жой ҳозирлашди. Ошхонада жиз-бизлар қилишди. Ниҳоят дўстимнинг онаси бизни уйга киришга чорлади. Уйга кирдик. Узун хонтахта устидаги нозу неъматлар, пишшиқлар, яхна, иччиларни кўриб кўзим яшнаб кетди. Минг томоғинг тақиллаб турган бўлса ҳам мезбоннинг олинг-олингига эҳтиёж сезасан киши. Мен ҳам ўзимни "лалага" солиб турдим. Бироз тамаддидан сўнг юзта-юзта қуёлиб, биринчи суз менга берилди. Айтмоқчи, дастурхон атрофида 3 йиғит, 3 қиз ўтирибмиз. Қизларнинг бири дўстимнинг синглиси эди. Қисқагина гапириб пиёлани бўшатдим. Қизлар ҳам ўзларига қуйилган шампан виносидан бир-бир култур татиған бўлишди. Даврамизга жон кирди. Мен қизларга қарашга бетламайман. Сабаб, қиз бола деган кўзини олиб қочадиған, ҳуркак оҳудай ўзини тутса, ҳар қандай йиғит унга талпинади. Мабоодо "еб қўяман", деб тикилиб турса, кўзи очилмаган ўғил бола қиз боладан ҳам уятчан бўларкан. Дўстимнинг сингли-



қарардим. Бир пайт томоқдан ҳеч нарса ўтмай қолди. Чунки овқатлар ортган бўлса-да, бир неча шиша бўшаганди. Бошқаларни билмадимиз менинг бошим арининг уясидай гувиллаб, аҳён-аҳён кўзим тиниб кетарди. Бурчақдаги стол устида турган магнитофондан янграётган мусиқа охир кучини кўрсатди. Ўртадаги хонтахта устидаги бор юки билан бошқа хонага "кўчиб" кетди. Рақс тушиш майдони ҳам ҳозир бўлди. Биз навбат билан 2-3тадан, баъзан барчамиз роса рақсга тушдик. Соат 2дан ошгандан барчамизнинг ҳуморимиз босилди. Биз йиғитлар ташқарига чиқиб шамоллаб келганимизча, 3 та жой бизни кўтиб турарди. Мен тўрга, дўстимнинг ўртоғи ўртадаги жойга, дўстим мезбон сифатида пойгадаги жойни танлади. Бироз гурунглашиб учаламиз ҳам уйкуга кетдик.

Тоқчадаги паст қилиб ёқиб қўйилган чироқ одамни таниб бўлар даражада шуъла таратиб турарди. Не маҳалда қиз боланинг паст овози қулоғимга чапингандай бўлиб, уйкудан уйғониб кетдим. Бу овоз яна ва яна такоррланаверди. Уни аниқ танидим, у дўстимнинг синглисининг овози эди. Жавоб қайтармасликнинг илоҳи бўлмаган, бошимни ёстикдан кўтариб, "ҳа", дедим. "Бир мингта бу ёққа чиқинг", деди бир қўлини белига, бирини эшикка тираганча тик турган дўстимнинг синглиси.

(Давоми бор.)

Олимжон НУРМАМАТОВ

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўйимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 941. Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нархда. Адада - 22772
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.